bomidagi
O'zbekiston MK













Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# O'zbekiston ovozi

№8-9
2019-yil, 29-yanvar
Seshanba (32.499)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Бюджет бошқармаси қандай бўлади?..

Яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Таҳлиллар юзаки, ҳисобот депутатлар учун ахборот тарзида бўлмаслиги лозим. Масалан, «Ҳукумат соати»да қатор вазирликларнинг ахборотларини эшитдик. Масъуллар 20 дақиқа маъруза қилади, 3-4 та савол берилади, шу билан тамом-вассалом. Виждонан айтайлик, ким сезди ана шу «Ҳукумат соати»нинг таъсирини? Қайси соҳада ўзгариш юз берди? Бу тизимни ҳам ўзгартириш керак, деб ўйлайман. Депутатлар ўзини қизиқтирган саволларни, керак бўлса, олдиндан вазирликка тақдим этсин. Қуруқ ҳисобот тинглаш эмас, жонли савол-жавоблар асосида йиғилиш ташкил қилинсин. «Ҳукумат соати»дан сўнг вазирлик ишида ўзгариш бўлмас экан, ахборотлар-у ҳисоботларнинг кимга нима кераги бор?..

3



МУНОСАБАТ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи олдидан 14 январь куни Берлинда Ўзбекистон — Германия ишбилармонлари бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг савдо, инвестиция, банк-молия, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, консалтинг, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, тоғ-кон саноати, хизмат кўрсатиш каби тармоқлар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.**



## Ўзбекистоннинг етакчи банклари раҳбарлари

*Германияда имзоланган шартномалар ҳақида қандай фикрда?*

Ушбу форум доирасида «Ўзмиллийбанк», «Агробанк», «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» каби республикамизнинг йирик тижорат банклари билан Германия молия муассасалари ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди.

«Ўзбекистон овози» газетаси мухбири Тоштемир Худойқулов форумда иштирок этган республикамизнинг бешта йирик банки раҳбарларидан интервью олди.

*Давоми 2-бетда.*

## Мўйнокда қарийб 27 триллион сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Мўйноқ туманида 2019-2021 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қарийб 27 триллион сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.*

*Ушбу ҳужжат билан саноат соҳасига 33 та, хизмат кўрсатиш соҳасига 34 та ва қишлоқ хўжалиги соҳасига 8 та, жами 75 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши назарда тутилган.*




**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 29 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| *1 АҚШ доллари* | *8384,94* |
| *1 ЕВРО* | *9568,89* |
| *1 Россия рубли* | *127,09* |
| *1 Англия фунт стерлинги* | *11068,96* |
| *1 Япония иенаси* | *76,55* |
| *1 Жанубий Корея вони* | *7,07* |
| *1 Қувайт динори* | *27673,07* |
| *1 Малайзия ринггити* | *2033,95* |
| *1 Хитой юани* | *1243,17* |
| *1 Сингапур доллари* | *6194,55* |
| *1 Швейцария франки* | *8444,90* |
| *1 БАА дирҳами* | *2282,98* |
| *1 Миср фунти* | *470,01* |
| *1 Австралия доллари* | *6022,06* |
| *1 Туркия лираси* | *1591,73* |
| *1 СДР* | *11676,78* |
| *1 Канада доллари* | *6344,06* |
| *1 Украина гривнаси* | *301, 97* |
| *1 Польша злотийси* | *2231,52* |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## Кеча ҳукумат таркибида ўзгаришлар бўлди

ЭШИТДИНГИЗМИ?..

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги фармонига мувофиқ, Эльяр Мажидович Ганиев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тасдиқланди. Шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари лавозимидан озод этилди.

● Нодир Собирович Отажонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини ва енгил саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплексининг раҳбари лавозимидан озод этилди.

● Жамшид Абдухакимович Ходжаев Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири лавозимига тасдиқланди. Шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири лавозимидан озод этилди.

● Сардор Уктамович Умурзаков Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимига тасдиқланди.

## Меҳнат ҳуқуқларингизга риоя этилишини қандай баҳолайсиз?

Адлия вазирлиги томонидан ҳозирда республика миқёсида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан анкета сўрови ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан аноним сўровномадаги айрим саволларнинг дастлабки натижалари билан таништириб ўтамиз.

Анкета сўрови давом этяпти.



Ўзбекистон – Германия: дўстона муносабат, ўзаро ишончли ҳамкорлик

МУНОСАБАТ

# Ўзбекистоннинг етакчи банклари раҳбарлари

## *Германияда имзоланган шартномалар ҳақида қандай фикрда?*



**Алишер МИРСОАТОВ**
**«Ўзмиллийбанк» бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистон ва Германия молия муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги икки давлат ўртасида шиддат билан ривожланаётган иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари тараққиётига хизмат қилади. Хусусан, «Ўзмиллийбанк» ва Германиянинг KfW IPEX, AKA Bank ва Райффайзенбанк каби етакчи банклари ўртасида жами 500 миллион евро миқдоридаги битимлар имзоланди. Ушбу битимлар немис банклари томонидан давлат кафолатисиз кредит линияларининг ажратилишини назарда тутиб, бизнинг мамлакатимизга Euler Hermes, SACE ва SERV каби экспорт-кредит агентликларининг суғурта қопламаси билан Европанинг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналари ва технологияларини жалб этишга имкон беради.

Мазкур битимларнинг хорижий банклардан жалб этилган бошқа кредит линияларига нисбатан асосий афзаллиги фоиз ставкаларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигидир. Бу эса лойиҳа ташаббускорларига маҳсулотларни паст таннархларда ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Бундан ташқари, имзоланган битимлар доирасида немис банкларининг икки мамлакат ишбилармонлари доираси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, лойиҳаларни молиялаштиришнинг оптимал схемаларини белгилаш, «Ўзмиллийбанк» ва немис банклари ўртасида ўзаро тажриба алмашишга кўмаклашуви ҳам кўзда тутилган.

2018 йил 21 декабрда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, тижорат банклари маблағларни жалб этишдан ташқари бизнес-ҳамкорларни ҳам топиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур бизнес-форум янги форматда ўтказилди, унинг натижаларига кўра, «Ўзмиллийбанк» томонидан ўзбек тадбиркорларига йирик немис ҳамкор-инвесторларни топишда яқиндан кўмаклашилди. Натижада немис ҳамкорлар билан қиймати 100 миллион евро миқдоридаги яна тўртта йирик лойиҳа имзоланди. Тўқимачилик маҳсулотлари, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича бу лойиҳалар қўшимча мингдан ортиқ янги иш ўринларини очишга имконият яратади.



**Азиз ВОИТОВ**
**«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси:**

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Германия ўртасида инвестиция ва савдо соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликнинг жадаллашиши кузатилмоқда. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан Германиянинг «AKA Ausfuhrkredit-Gesellschaft mbH», «BayernLB», «KfW IPEX-Bank GmbH», «ODDO BHF», «Landesbank Baden-Wuerttemberg», «Landesbank Hessen-Thüringen», SAP каби етакчи банклари ва компаниялари билан турли мазмундаги учрашувлар ўтказилиб, манфаатли келишувларга эришилди.

SAP компанияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Инха университетида молиявий технология маркази ташкил этилди. Марказ талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида банк ишига оид барча соҳалардаги назарий билимларини амалда синаш ва мустаҳкамлашга имкон беради.

Commerzbank билан биргаликда эса «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти самарадорлигини яхшилаш, бизнес жараёнларини такомиллаштириш, илғор банк технологияларини жалб қилиб, янги технологик базани яратиш ишлари олиб борилмоқда. Немис молия муассасаларида қўлланилаётган замонавий бошқарув услублари ўзлаштирилиб, ходимлар малакаси халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия бизнес форуми бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» етакчи немис банклари — «AKA Ausfuhrkredit-Gesellschaft mbH», «KfW IPEX-Bank GmbH», «Berliner Sparkasse of Landesbank Berlin AG» ва «ODDO BHF» билан умумий миқдори 285,0 миллион еврога тенг келишувларга эришди.

Форумда, шунингдек, банкнинг корпоратив мижозлари — «East Mining Invest», «Shakhrisabz Textile», «Khantex Group» корхоналари Германиянинг «Hartmann Lebensmitteltechnik Anlagenbau GmbH», «Truetschler GmbH & Co. KG», «Vock Maschinen-und Stahlbau GmbH», «COMMIT Project Partners GmBH», «Wehrhahn GmbH CNHI International S.A.» билан умумий қиймати 200 миллион евродан зиёд ҳамкорлик ва савдо шартномаларини имзолади.



**Қаҳрамон МУЛЛАЖОНОВ**
**«Асака» банк бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистон ва Германия бизнес-форумида банкимиз ва Германиянинг «Коммерцбанк» ўртасида 150 миллион евро миқдорида кредит линияларини очиш борасида тегишли битимлар имзоланди. Мазкур кредит линиялари доирасида Германия ва бошқа Европа мамлакатларидан Ўзбекистон Республикасига технологик ускуналарни импорт қилишни назарда тутадиган инвестицион лойиҳалар молиялаштирилади.

Бизнес-форумда нафақат банк тизими мутахассислари, балки Ўзбекистон Республикаси ва Германия давлати бизнес ҳамкорлари ҳам иштирок этди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ҳам инвестицион, ҳам савдо характеридаги шартномалар имзоланди. Хусусан, технологик ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун «Асака» банк мижозлари ва уларнинг немис ҳамкорлари ўртасида импорт шартномалари имзоланди. Ушбу шартномаларни юқорида кўрсатилган немис кредит линиялари маблағларидан молиялаштириш мўлжалланган.

Жумладан, республикамизда фаолият юритаётган «Зарафшон ойна» корхонаси Германиянинг «Horn Glass Industries AG» компанияси билан қурилиш ва автомобилсозлик саноати учун 60 миллион евро миқдорида шиша ишлаб чиқариш учун янги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади. Лойиҳанинг умумий қиймати 96,6 миллион еврони ташкил қилади. Лойиҳа Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида амалга оширилади.

Шунингдек, «Тўйтепа текстиль» МЧЖ корхонаси ва Германиянинг «Trutzchler GmbH» компанияси билан тўқимачилик маҳсулотларини модернизация қилиш учун 34 миллион евро миқдоридаги янги технологик ускуналар сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 38 миллион еврони ташкил қилади. Лойиҳа Тошкент вилоятида амалга оширилади.

Ушбу Халқаро тадбирларни ўтказиш банк хизматлари самарадорлиги сифати ва шаффофлиги даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида Ўзбекистон банкларига ишончни янада оширади.



**Баҳодир МУЛЛАХОНОВ**
**«Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистон — Германия бизнес-форуми доирасида банкимиз ва KfW IPEX-Bank ўртасида 50 миллион евро миқдорида шартнома имзоланди. Мазкур битим банкларимиз ўртасида йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун минимал суммаси 3 миллион евро ва 10 йилгача муддатга мўлжалланган узоқ муддатли кредит линияси бўйича янги ҳамкорликни назарда тутади.

Ушбу битим Ҳукумат кафолатисиз жалб қилинган кредит линия ҳисобланиб, банк мижозларининг Германия ва Европа иттифоқига аъзо бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий техника ва технологияларни сотиб олиш орқали амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

KfW IPEX-Bankнинг халқаро бозорда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги кўп йиллик тажрибаси республикамизда кредит линия маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган йирик лойиҳаларни молиялаштиришда қўл келади ва бунда ишончли гаровга айланади, дейиш мумкин.

Бугунги кунда мазкур кредит линия ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган лойиҳалар мавжуд бўлиб, жумладан, қиймати 12 миллион еврони ташкил этадиган истиқболли лойиҳа доирасида молиялаштириш жорий йилнинг биринчи чорагида очилиши режалаштирилган.

Бизнес-форум доирасида банкимизнинг кўп йиллик ҳамкори бўлган Коммерцбанк вакиллари билан ҳам музокаралар олиб борилди ҳамда ҳамкорлик доирасини янада кенгайтиришга ва мавжуд кредит линия миқдорини оширишга келишиб олдик.

Шу билан бирга, банк мижозларининг хорижий валютадаги қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағларига бўлган талабини қондириш мақсадида Германиянинг яна бир нуфузли банки – «AKA Ausfuhrkredit-Gesellschaft mbH вакиллари билан ҳам мулоқотлар ўтказилди ва яқин келажакда ўзаро манфаатли ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Йўлга қўйилаётган кредит линиялари кичик бизнес корхоналари салоҳиятини, ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишга ва янги иш ўринлари очилишига замин яратади.

**Рустам МАМАТҚУЛОВ**
**«Агробанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчиси:**

— Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида хорижий инвестицияларни жалб этиш кўлами сезиларли даражада ошмоқда. Яқинда Берлинда ўтказилган Ўзбекистон — Германия ишбилармонлари бизнес-форуми тижорат банклари учун фаол инвестиция муҳитини яратиб бераётгани билан янада аҳамиятли бўлди.

Халқаро форум доирасида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки илк бор 150 миллион евро миқдорида кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича «Landesbank BadenWurttemberg» ҳамда «Commerz Bank AG» банклари билан келишувларни имзолади.

Келишувлар доирасида жорий йилнинг 1-чорагида тўртта йирик саноат корхоналарининг истиқболли лойиҳаларига 65 миллион евро миқдорида кредит линиялари очилади. Бунинг ҳисобига 1500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Мазкур келишувлар Германия молия институтлари билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиради ва инвестиция фаолиятини кенгайтиради. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонга янги технологияларни олиб келиш, янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иқтисодиётимизни юксалтириш, халқимиз турмушини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

# Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш – долзарб масала



**Меҳрожиддин ДАРХОНОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Ўзбекистон пухта ўйланган ташқи сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилишлари мужассам. Дунё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашда Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянилмоқда.

Ўтган йили 20 га яқин давлатлараро ташриф амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган инвестициявий келишувларга эришилди. Ушбу манфаатли алоқалар юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг ўтган ҳафта Германия Федератив Республикасига амалга оширган расмий ташрифи ташқи алоқаларни мустаҳкамлашда яна бир муҳим қадам бўлди, дейиш учун асослар етарли.

Ташриф давомида Берлин ва Мюнхен шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим келишувларга эришилди. Юртимиздаги ислоҳотлар Германияда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани, ушбу мамлакат юртимиз билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, етакчи тармоқларга илғор технологияларни кенг жорий этишга интилаётгани яққол намоён бўлди.

Мюнхен шаҳрида ушбу мамлакат етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув халқаро экспертлар, сиёсатшунослар томонидан юқори баҳоланди. Унда кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари – дунёга машҳур «Siemens», «Tyssen Krupp», «Claas», «MAN», «Knauf», «Linde», «Papenburg», «Humana», «Volkswagen» компаниялари, молиявий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатларимиз ўртасидаги шартномалар, иқтисодий лойиҳалар муҳим, албатта. Мен Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Чунки Германия парламенти тажрибасидан ўрганиладиган, хулоса чиқариладиган жиҳатлар оз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан учрашуви шу жиҳатдан жуда муҳимдир.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради. Миллий парламентимиз – Олий Мажлис ҳам мамлакатимиз ҳукумати фаолияти устидан назорат ўрнатиши, бу масалада илғор тажрибалардан ўрганиши, ўрнак олиши долзарб масала, албатта.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида алоқалар йўлга қўйилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича «Ўзбекистон – Германия» гуруҳи, Бундестагда эса «Германия Федератив Республикаси – Марказий Осиё» гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўз навбатида Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида бўлаётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Германия билан ҳамкорлигимиз келгусида қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий йўналишларда янада ривожланади, деган умиддамиз.

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, фракция олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.**

# Давлат дастури ижроси

## *парламент назоратида бўлади*



Таъкидланганидек, фракция аъзолари томонидан Давлат дастури лойиҳасини шакллантириш ва муҳокамага қўйилган дастур лойиҳасини янада мукаммаллигини таъминлаш мақсадида 50 дан ортиқ асослантирилган таклифлар берилди. Уларнинг ўнга яқини Давлат дастурига киритилди. Хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган таклифлар шулар жумласидандир.

Фракция аъзолари инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлашда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласини илгари сурди. Бунда ҳар бир депутат Дастур ижроси ва назорати учун масъулликни ҳис этиши, хусусан, ўз сайлов округларида бу борадаги вазифалар ижроси билан мунтазам ишлашлари лозимлиги қайд этилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, устувор вазифалар изчил амалга оширилишида парламент ролини янада кучайтириш фракция аъзоларидан ҳам янгича шижоат руҳида ишлашни талаб этади. Бунда электорат манфаатларига дахлдор ҳар бир масала юзасидан аниқ таклифлар, зарур ҳолларда тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда фракция аъзолари томонидан тайёрланаётган қонун лойиҳаларини такомиллаштириб, қонунчилик палатасига киритишни тезлаштириш мақсадида фракцияда тузилган ишчи гуруҳларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Амалга оширилаётган ишларни аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилиш ҳамда белгиланган устувор вазифаларнинг жойларда самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан тавсиялар берилди. Таъкидландики, тарғибот жараёнларига сиёсатшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, тарғиботчилар гуруҳларини кенгроқ жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг қарори қабул қилинди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА.**

«Ҳукумат соати»дан сўнг вазирлик ишида ўзгариш бўлмас экан, ахборотлару ҳисоботларнинг кимга нима кераги бор?..

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Давлат бюджети ижросида самарадорлик ошадими? Ҳисоб палатаси ҳамда янги ташкил этиладиган Давлат бюджети бошқармаси фаолияти мувофиқлаштириладими? Бошқарма хулосаси, таҳлилларининг бюджет масаласидаги ўрни қандай бўлади?..**



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

# Бюджет бошқармаси қандай бўлади?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ана шулар ҳақида сўз борди. Депутатлар жорий йил Давлат дастурида белгиланган Олий Мажлис ҳузурида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Мурожаатномада парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди. Бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун парламент ҳузурида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш вазифаси илгари сурилди.

Фракция аъзолари фикрича, мазкур бошқарманинг ташкил этилиши Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқиш жараёнлари юқори савияда, сифатли амалга оширилишига хизмат қилади. Чунки макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, давлат бюджети даромадлари шаклланиши, ижроси ҳамда харажатларини тўғри режалаштириш масалаларини Давлат бюджети бошқармаси амалга ошириши кўзда тутилмоқда.

Тадбирда бюджет бошқармасини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган қарор лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Қарор лойиҳасида кўплаб масалалар қамраб олинган. Аммо ҳали унинг устида жиддий ишлаш кераклиги кўриниб турибди. Хориж тажрибасига кўра, Давлат бюджети бошқармасининг асосий вазифалари иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш ва бюджет самарасини солиштириш орқали парламент аъзоларига кўмаклашишдан иборат. Ушбу амалиёт бизда қай даражада ўзини оқлайди? Қонунчилик меъёрларидан келиб чиқиб, уни ўзимизга мослаштириш талаб этилади.

Шу билан бирга, бюджет масаласи бир қанча йўналишларга бўлинади. Масалан, тиббиёт соҳаси учун таълим бўйича мутахассис ёки бошқа соҳа вакили аниқ, тўғри хулоса бериши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир йўналишда эксперт хулосаси зарур. Бундан ташқари, қарор лойиҳасида Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари сўровлари асосида аниқ мавзулар бўйича ахборотлар тайёрлаш, дейилган. Ўйлашимча, бу ҳуқуқ барча қўмиталар учун татбиқ этилиши керак. Маҳаллий Кенгашларда бошқарманинг партия гуруҳлари аъзолари учун ҳудудий ахборотлар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда. Ана шунда ҳар бир йўналиш бўйича аниқ таҳлил, таклиф ва хулосага эга бўлиш мумкин.

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари сўровлари асосида аниқ мавзулар бўйича ахборотлар тайёрлаш, дейилган. Ўйлашимча, бу ҳуқуқ барча қўмиталар учун татбиқ этилиши керак.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:**

— Маълумки, ҳозирга қадар бюджетни қабул қилишда Ҳисоб палатасининг хулосаси асосий ўринга эга эди. Қарор лойиҳасида янги ташкил этиладиган бошқарма ҳам Давлат бюджети, унинг параметрлари, ижроси ҳақида хулоса бериши назарда тутилмоқда. Ўйлайманки, бу келгусида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки, икки ташкилот бир масала юзасидан хулоса берса, уларни умумлаштириш, ўзаро мувофиқлаштириш ишни чигаллаштиради. Савол туғилади: Давлат бюджетини қабул қилишда қайси ташкилот хулосаси устунлик қилади? Шу ва яна бошқа қатор масалаларга ойдинлик киритилиши лозим, деб ўйлайман.

*Йиғилиш иштирокчилари яна қатор масалаларда ўз таклиф-лари, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ҳар бир банд ва модда бўйича таклифлар ёзма равишда тегишли ишчи гуруҳига тақдим этилишига келишиб олинди.*

*Шунингдек, парламентда муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.*

*Қайд этилдики, қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлаши учун чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унда фракциялар қонун ташаббускорлиги бўйича фаолиятини, давлат бошқаруви органлари иши устидан парламент назоратини кучайтириш, депутатлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш, китоблар чоп этиш ва бошқа масалалар кўзда тутилган.*

**Нўъмон АКБАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Тўғри, парламент аъзолари томонидан муайян ишлар йўлга қўйилди. Фаолиятимизни тубдан такомиллаштириш юзасидан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлаши учун эса, аввало, у пишиқ-пухта тайёрланган бўлиши зарур. Бу борада ҳам Қонунчилик палатасида яхши тажриба йўлга қўйилган. Бироқ бошқа идора ва ташкилотлардан кириб келаётган қонун лойиҳалари сифати талабга жавоб бермайди. Депутатлар уларни бутунлай қайта ишлашига тўғри келяпти. Шунинг учун қонун ижодкорлиги жараёни концепциясини тақдим этиш керак. Сифатли таҳлиллар, статистик маълумотлар, махсус материаллар бўлса, депутатларда қонун қабул қилишнинг зарурати юзасидан тасаввур ҳосил бўлади.

Яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Таҳлиллар юзаки, ҳисобот депутатлар учун ахборот тарзида бўлмаслиги лозим. Масалан, «Ҳукумат соати»да қатор вазирликларнинг ахборотларини эшитдик. Масъуллар 20 дақиқа маъруза қилади, 3-4 та савол берилади, шу билан тамом-вассалом. Виждонан айтайлик, ким сезди ана шу «Ҳукумат соати»нинг таъсирини? Қайси соҳада ўзгариш юз берди? Бу тизимни ҳам ўзгартириш керак, деб ўйлайман. Депутатлар ўзиларини қизиқтирган саволларни, керак бўлса, олдиндан вазирликка тақдим этсин. Қуруқ ҳисобот тинглаш эмас, жонли савол-жавоблар асосида йиғилиш ташкил қилинсин. «Ҳукумат соати»дан сўнг вазирлик ишида ўзгариш бўлмас экан, ахборотлару ҳисоботларнинг кимга нима кераги бор?..

Фракция аъзолари ҳамда йиғилиш иштирокчилари мазкур масалада ҳам баҳс-мунозара олиб борди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтган йилги ишларни танқидий таҳлил қилиш билан бошланди.**

# Тошкент вилоят кенгаши

## *камчиликларни очиқ муҳокама қилди*

— Вилоят партия кенгашининг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланган бўлиб, у 8 та бўлим, 58 та банддан иборат, — деди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нилуфар Юлдашева.** — Режа ижросини мониторинг қилганимизда, бир неча бандларидаги вазифалар ўз вақтида бажарилмагани маълум бўлди. Хусусан, вилоят кенгаши фаолиятини маҳаллий ОАВда мунтазам равишда ёритиб бориш мақсадида «Демократик ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг роли» мавзусида мақолалар танловини ўтказиш вазифаси белгиланган эди. Мафкура бўлими томонидан мақолалар танловини ўтказиш бўйича ҳеч қандай таклифлар ишлаб чиқилмаган. Ижроия қўмита йиғилишига тегишли низом ва қарор лойиҳаси тақдим қилинмаган.

Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари партия гуруҳлари фаолиятини ёритиб берувчи материалларни тайёрлаш ишлари самарали ташкил этилмаган, бор натижалар ҳам туманлар миқёсида умумлаштирилмаган.



Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари аҳолининг муҳтож қатламини манзилли ижтимоий ҳимоялаш масаласида қонунлар, қарорлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласида сусткашликка йўл қўйди.

Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарига 2018 йил давомида 1230 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 80,5 фоизи ижобий ҳал этилган. Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қабулхоналар фаолиятида камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, Янгийўл туманидаги Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаатлар билан ишлашга жиддий эътибор берилмаган. Аҳоли мурожаатларининг 50 фоизи ижобий ҳал этилган, холос.

2018 йилда шаҳар ва туман Кенгашларида фаолият олиб бораётган 188 нафар депутатимиз давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига 631 та депутатлик сўрови юборган. Уларнинг ярмидан кўпи фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан амалга оширилган сўровлардир.

Партия гуруҳлари аъзоларининг ишини янада жонлантириш талаб этилади, деди Н. Юлдашева.

Айниқса, Олий Мажлисга Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар ҳар бир депутат ва партия ташкилотларидан аниқ режа, қатъий позиция асосида иш юритишни талаб этади.

Йиғилишда депутатлар, партия ташкилотлари раҳбарлари, фаоллари шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Вилоят партия кенгашининг жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбекистонда эҳтиёжмандларга иш берганлар

## *қўшимча рағбатлантирилади*

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

**Маълумотларга кўра, бундан буён бандликка кўмаклашиш марказларида ишсизлик рўйхатидан ўтган фуқаролар қатор имкониятларга эга бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсга якка тартибдаги тадбиркорлик, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кредит олишдаги суғурта полиси учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридаги харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.**

Эҳтиёжманд аҳоли қатлами вакилларини квоталанган миқдордан ортиқ ишга қабул қилган ташкилотларга ҳар бир ходим учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдоридаги маблағ ажратилади. Бунда ходимнинг бандлигини камида 12 ой давомида сақлаш талаби қўйилади. Шунингдек, бандликка кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган эҳтиёжманд кишиларни касбга қайта ўқитиш ва малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун жамғарма томонидан иш берувчига энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида пул тўланади.

Бундан мақсад нима? Мазкур маблағларни қайтариш керакми ёки йўқ? Жамғарма маблағларининг неча фоизи ана шу ишлар учун йўналтирилиши режалаштирилган?

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган семинарда **вазирлик бош мутахассиси Абдуваҳоб Кулманов** мазкур янгиликлар юзасидан батафсил ахборот берди. Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Унда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган ишсиз фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бандлигини таъминлаган корхона, ташкилот ва муассасаларга субсидия бериш тизимини яратиш масаласи ўрин олган. Мазкур масалада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тайёрлаш жараёни бошлаб юборилди.

Семинарда партия Марказий Кенгаши ходимлари ҳамда депутатлар кун тартибидаги масала юзасидан сўз юритди. Мазкур йўналишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлар зиммасидаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Ишни янада самарали ташкил этиш учун маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, ижро этувчи тузилмаларнинг масъулиятини кучайтиришда депутатлар таъсирини ошириш талаб этилиши таъкидланди. Ижтимоий йўналтирилган дастурлардан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорликни таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, маҳаллалардаги кам таъминланган, алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли вакилларининг рўйхати аниқланиб, маҳаллаларда ҳар ҳафтада мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида мулоқотлар ташкил этилади.

Иккинчидан, меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, унга мувофиқ аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжаликларини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига «старт-ап» лойиҳаларини амалга ошириш учун микрокредитлар, лизинг асосида ишлаб чиқариш воситалари ажратилиши назоратга олинади.

Учинчидан, тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш борасидаги ишларнинг аҳволини ўрганиб, сессияда муҳокама қилиш, соҳа раҳбарларининг бу борадаги ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, таълим муассасалари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит маблағлари ажратилишини назоратга олиш ва аҳволни таҳлилий ўрганиб, тегишли доимий комиссияда кўриб чиқиш тизими жорий этилади.

Бу жараёнларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари кенг жалб этилади.

— **Албатта, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятдаги у ёки бу ижтимоий масалани ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли. Бироқ улар амалда тўғри ишлаяптими? Мана шу савол ҳамиша очиқ қолаверади**, — деди **«Махсусэлектртармоққурилиш» акциядорлик жамияти директори, халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгаши депутати Шукурулло Юлдашев.** — Масалан, юқорида айтилган ҳужжатда белгиланаётган вазифалар ҳам бажарилиши осон эмас. Нимага десангиз, имтиёзли кредитлар ва пул маблағлари ўз эгалари, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига етиб бормайди. Ёлланма ишчилар, вақтинчалик бандлиги таъминланган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ муаммолар ҳам етарли. Уларга меҳнат дафтарчалари юритиш, фаолияти давомида хавфсизлигини таъминлаш зарур. Мазкур масала, айниқса, қурилиш соҳасида жуда долзарбдир. Афсуски, турли йўллар билан бирор-бир бино қурилишини қўлга киритган тадбиркорлик субъектлари бу ҳақда ўйламайди. Барчанинг дилини хира қилувчи мардикор бозоридаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари уларга аҳамиятсиздек гўё. Ўйлайманки, бу борада ҳам қонунчиликни такомиллаштириш керак. Берилаётган имтиёз ва имкониятдан шунга муҳтож шахслар тўлиқ фойдалана олишини назорат қилишни кучайтириш талаб этилади. Бўлмаса, кутилган натижага ҳеч қачон эришолмаймиз.

Семинар давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолияти билан боғлиқ масалаларда саволлар берилди. Коррупциянинг олдини олиш, соҳада шаффофликни таъминлаш ва бошқа мавзуларда баҳс-мунозаралар бўлди. Қонун ва қарорларнинг тўғри ҳамда самарали ишлаши учун аҳоли хабардорлиги, мутасаддилар масъулиятини ошириш, таниш-билишчилик, таъмагирликка йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

**Зилола АНВАРОВА**

Парламентнинг таъсир кучи ошади



# Олий Мажлис катта ўзгаришлар остонасида

ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

**Икки палатали парламент барпо этганимизга ҳадемай 15 йил тўлади. Шу вақт ичида қанча сув кечилди, кўп синовлардан ўтилди, ўзига хос тажриба тўпланди, сабоқ ва хулосалар ҳам чиқарилди.**

Бугун одамни ҳар хил саволлар ўйлантиради. Ўтган йиллар давомида парламент мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларда мустақил позицияси билан иштирок эттдими? Депутатлар, сенаторлар «овоз бериш» тугмачасини босаётганда ҳақиқий иродасини кўрсатдими? Умуман, бугун ортга қаралганда, парламент ислоҳотларида нималарга эришилди-ю, нималарга улгурилмади?.. Ким ютди, ким ютқазди... Булар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Олий Мажлисга Мурожаатномадан аён бўлмоқдаки, том маънодаги парламентга етиб бориш учун яна анча юриш, катта ўзгаришлар қилиш зарур. Ҳар ҳолда, демократиянинг талаби шундай.

17 январь куни жорий йилга мўлжаллаб қабул қилинган Давлат дастурида Олий Мажлис билан боғлиқ 10 га яқин бандда турли вазифалар белгиланди. Шулар бажарилса, парламент демократияси сари яна бир-икки қадам силжисак керак.

Аввало айнан қандай вазифалар белгиланганига эътибор қаратсак. Олий Мажлис палаталарининг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари устидан парламент назоратининг ахборот-таҳлилий фаолиятини такомиллаштириш, парламент палаталарида коррупцияга қарши курашиш қўмиталарини ташкил қилиш, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш каби ўта долзарб масалалар самарали ҳал этилиши кутиляпти.

**Лекин бошқа гаплар ҳам бор. Бу йилги Давлат дастурининг биринчи қисми еттинчи бандида Олий Мажлис фаолиятини молиявий, моддий-техник, ташкилий таъминлашни такомиллаштириш бўйича вазифалар кўзда тутилди.**

Парламент вакилларининг масъулияти, сайловчилар ишончини оқлаш, қонун ижодкорлигини яхшилаш, депутатлик назоратини кучайтириш мавзулари ҳақида кўп гапларни эшитганмиз. Аммо парламент зиммасига Конституция юклаган улкан вазифаларни бажариши, профессионал фаолият олиб бориши учун биринчи навбатда зарур бўладиган қўшимча салоҳиятли кадрларга, моддий-техник имкониятларга эгами-йўқми, деган савол тўғрисида ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз.

Ўз-ўзидан яна саволлар туғилаверади: шу вақтга қадар Олий Мажлиснинг фаолияти молиявий, моддий-техник ва ташкилий жиҳатдан яхши таъминланмаган эдими? Аввал вазият қандай эди? **Неча йиллардан бери Давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиб, тасдиқлаб, ҳужжатга айлантириб берадиган ташкилотнинг ўзи таъминотдан қийналармиди?..**

Шу йилнинг дастлабки кунларида Давлат дастури лойиҳаси муҳокамага қўйилганида бир бандда кўрсатилган масала эътиборни тортган эди. Тўғриси, кўпчилик уни ўқиб, ҳайрон ҳам бўлгандир. Унга кўра, парламент аъзоларининг ойлик маошини вазирлик ва идоралар даражасида ошириш кўзда тутилганди – масаланинг умумий мазмуни шундай эди. Бирдан хаёлдан шундай савол ўтади: «**нима, парламент аъзоси вазирлик ходимидан кам иш ҳақи олармиди?..**»

Саволнинг жавобига қизиқиб, мутасадди идоралар, Қонунчилик палатаси депутатлари билан суҳбатлашдик. Депутатларнинг илтимосига мувофиқ бу масалада тафсилотларга берилишдан тийилдик. Лекин саволлар очиқ қолди: Парламент аъзоси қанча иш ҳақи олади? Аксарият вазирлик-идоралардаги оддий ходимлар, айрим ҳуқуқ-тартибот органларининг энг қуйи бўлинмаларидаги ходимлар-чи?..

Тасдиқланган Давлат дастурида **«парламент аъзолари ва парламент палаталари девони ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш»** кўзда тутилди. Халқимиз вакилларининг, парламентда ишлаётган бошқа ходимларнинг молиявий таъминоти яхшиланишини, тўғрироғи, уларнинг бу борадаги иззати жойига қўйилишини ўйлаб, барибир, хурсанд бўлдик.

Давлат дастурида **Олий Мажлис бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмларини жорий қилиш** масаласи белгиланиши бу йилдан парламент фаолиятида катта янгиликлар рўй бериши ҳақида яна бир яхши аломат бўлса эҳтимол. Бундан нимани тушуниш мумкин? Янги механизм жорий этилмоқчи... Демак, эски механизм самарали бўлмаган ёки бу борадаги ишлар демократик тартиб-қоидаларга унчалик мос тушмаган. Янги механизм нима беради? Бизнингча, ўз профессионал вазифаларини бажариши учун зарур бўладиган ресурс ва маблағларни сарфлашда Олий Мажлиснинг бошқа давлат идораларига боғлиқлигига чек қўйиш назарда тутилмоқда. Тўғри-да, акс ҳолда, парламентнинг парламентлиги қаёқда қолади?..

Эътиборга молик яна бир масала шундаки, **«парламент делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ва чет эл делегацияларини қабул қилишни ташкил этиш ҳамда шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни сарфлаш масаласини Олий Мажлис палаталарининг тегишли қарори билан белгилаш тартибини жорий қилиш»** назарда тутиляпти. Бундан кейин парламентга келган чет эл делегацияларини қабул қилиш, яъни меҳмонларни ҳурмат-иззат билан кутиб олиш масаласини парламентнинг ўзи ҳал қилади. Албатта, буни ҳам қувончли хабар, деб қабул қилиш керак. Аввал вазият қандай эди, деган саволга зарурат йўқ.

Олий Мажлиснинг моддий-техник таъминоти ҳақида муайян тушунча ҳосил бўлиши учун мисол келтириш мумкин. 2018 йил 19 декабрь куни **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 1035-сонли** қарор қабул қилинди. Унда Қонунчилик палатасининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун компьютер техникаси, сервер ва коммуникация ускуналари, шунингдек, дастурий таъминлаш воситаларини харид қилиш масаласи ҳамда ана шу товарларнинг рўйхати (175 та замонавий компьютер, 50 та принтер ва бошқа техник воситалар) тасдиқланди. Бу қарорни Вазирлар Маҳкамаси қабул қилди. Қарорда шундай жойи бор: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси... (иккита вазирлик билан бирга) таклифига розилик берилсин».

Давлат дастурининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ёрдамчиси вазифасини жорий этиш масаласи назарда тутилган эди. Кейинчалик режа ўзгарди ёки бошқа бандлар билан умумлаштирилди. Катта эҳтимол билан бу масала жорий йилда кўриб чиқилмаса керак. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Чунки давлат дастури лойиҳасида юридик йўналишдаги олий ўқув юртларининг илғор ва битирувчи талабалари орасидан жамоатчилик асосида депутатларга ёрдамчиларни танлаш таклифи назарда тутилган эди. Бундай амалиёт турли англашилмовчиликларни келтириб чиқариши мумкинлиги учун масала кун тартибидан олинган кўринади. Жамоатчилик асосида ишлаган ёш талабанинг масъулияти қандай бўлади, у депутатга ёрдам бера оладими ёки аксинча, депутат унга ёрдам бериши керак бўладими?.. Бу каби саволлар ҳолатга чуқурроқ ёндашишни талаб этади.

Кўпчилик билади, дунёнинг аксарият парламентларида депутат ёрдамчиси вазифаси мавжуд ва уларга давлат бюджетидан иш ҳақи тўланади. Ёрдамчи институтидан ташқари парламент, ундаги фракция ва қўмиталар фаолиятини самарали олиб боришга кўмаклашадиган кўплаб тузилмалар шакллантирилган. Бу борада дунёнинг илғор парламентларидан мисол келтириб, таққослаш фикридан йироқмиз.

Парламентнинг ўрни ва таъсири оширилаётган мамлакат учун бу масала ниҳоятда муҳим эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Олий Мажлиснинг 4-5 йил аввалги вазифалари кўлами билан (жорий йилда бўладиган янгиликларни қўшиб ҳисоблаганда) ҳозирги иш кўлами ўртасида катта фарқ борлиги кўриниб турибди. Ҳудудлардаги реал ҳолатни, қонунлар ижросини тизимли ўрганиш, таклифлар тайёрлаш, соҳалар бўйича таҳлил олиб бориш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар қабул қилиш, ҳукумат вакилларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитиб, уларнинг фаолияти бўйича асосланган хулосалар бериш ва бошқа бир қанча вазифалар ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас, албатта. Парламент сайловчилар олдидаги вазифаларини сифатли бажариши учун кўмакчи институтлар жуда зарур. Акс ҳолда, у мамлакатдаги реал ҳолатга таъсир кўрсатиши, халқ манфаатларини ҳимоя қилиши осон кечмайди.

Шунинг учун **Давлат дастурида Олий Мажлис палаталари юридик хизматлари негизида юридик бошқармалар ташкил этиш, уларнинг штат бирлигини кўпайтириш, парламент палаталари қўмиталари ҳузурида улар фаолиятига бевосита ёрдам берадиган тузилмалар ташкил этиш масалалари қўйилди.** Парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти кучайишида янги тузилмаларнинг аҳамияти катта бўлади. Шундай қилиб, том маънода профессионал парламентни қарор топтириш бўйича реал ҳаракатлар кўпаймоқда.

Шу ўринда тарихий ривожланиш шароити мамлакатимизга нисбатан яқинроқ бўлган Латвия парламенти (сейм) фаолиятидан айрим мисолларни келтириш зиён қилмайди, деб ўйладик. Сеймда 100 нафар депутат ишлайди, ҳар бирида камида биттадан (кўпи – икки нафар) ёрдамчи бор экан. Уларни фракциялар ва депутатлар билан келишган ҳолда Сейм девони тайинларкан. Фракциялар катта-кичиклигига қараб, бир нафар котиб ва бир неча консультантга эга бўлиши мумкин. 2018 йил маълумотларига кўра, Латвия аҳолиси салкам 2 миллион кишини ташкил қилади.

Олий Мажлиснинг иш ҳажми ошгани, уларни сифатли амалга ошириш осон бўлмаётгани ҳақида депутатларимиз томонидан ўтган йили (ундан аввал ҳам) кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилганини эслаш жоиз. Уларнинг фикрича, Қонунчилик палатасига киритилаётган айрим қонун лойиҳалари турли вазирлик ва идоралар томонидан шошма-шошарлик билан тайёрланяпти, асословчи ҳужжатларнинг юзакилиги билиниб қоляпти, қонунчиликка киритилиши таклиф этилаётган баъзи меъёрлар устида чуқур таҳлил олиб борилмаяпти. Шу ва бошқа камчиликлар қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига салбий таъсир ўтказиб келяпти.

2018 йилнинг сўнгги кунларида солиқ ва бюджет сиёсатининг янги йўналишлари қабул қилингани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси парламентга жуда кечикиб киритилгани депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлганди. Ўшанда вақт тиғизлиги учун ҳажми кичик бўлмаган қонун лойиҳасини бир кечада ўзгартириб чиқишга тўғри келганди. Бу каби ҳолатлар қонунларнинг сифатига, ижро ва жамоатчиликка тушунтириш жараёнларига путур етказмасдан қолмайди. Мана, шу кунларда солиқ тизимидаги ўзгаришлар кенг аҳоли вакиллари ва тадбиркорларда жиддий англашилмовчиликлар, жуда кўплаб саволларни туғдирмоқда.

Умуман, парламентнинг таъсир доираси кенг, таҳлил ва мушоҳадаси чуқур, сўзи ўткир бўлиши, шубҳасиз, биринчи навбатда халқ вакилларининг ўзига, шунингдек, бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Бу ҳақда гап кўп, лекин юқорида айтилганлари билан чекланамиз.

2019 йилда Олий Мажлис катта янгиликлар, узоқ кутилган ўзгаришлар остонасида турибди. Уларнинг умумий маъноси шундайки, давлатнинг парламентга эътибори, ҳурмати ортиши кутиляпти.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

МУНОСАБАТ

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида муҳим соҳаларда йўл қўйилган камчиликларнинг чуқур таҳлилини кўрдик, жорий йилда зиммамизга юкланган масъулиятли вазифалар кўламини аниқлаштириб олдик.**

# Аввалдан тайёр қарор

*номига депутатлар тасдиғидан ўтиши керак эмас*



**Рийимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Мурожаатномада давлат бошқарувида парламентнинг реал таъсирини ошириш, вакиллик ҳокимиятининг ҳурматини жойига қўйиш бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Дарҳақиқат, бу соҳада ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Мисол учун, Олий Мажлис Бош вазирни тасдиқлайди, аммо вазифалар учун масъул бўлган тармоқ вазирлари бу жараёнда эътибордан четда қолади. Айни шу ҳолат маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам кузатилади.

Шунинг учун маҳаллий Кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш амалиётини жорий этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, маҳаллий Кенгашларда ҳудудий идора раҳбарлари ҳисоботини эшитиш амалиёти жорий қилинган. Аммо тўғриси, унинг таъсир кучи сезилмаяпти. Нима учун?.. Муайян идора раҳбари депутатлар олдида ҳисоботни номига баён қилиш ва бир неча саволларга жавоб қайтариш билан чекланади. Ҳисобот депутатларни қониқтирмаса, ташкилот томонидан сусткашликка йўл қўйилган бўлса, бу ҳолатда маҳаллий Кенгаш ҳеч қандай таъсир кўрсатиш ваколатига эга эмас.

Қолаверса, ҳисобот берувчи раҳбарни лавозимга ҳоким тайинлаган бўлади, у фақат ҳоким олдида жавобгар сезади ўзини. Агар идора раҳбарларини депутатлар тасдиқласа, ҳисобот амалиёти самарали бўлади.

Айрим ҳолларда туман ёки вилоятларга бошқа ҳудудлардан кадрлар ҳокимликка тайинланади. Баъзан шундай бўляптики, янги ҳоким бирор идорага раҳбар тайинлашда унинг иш фаолияти ёзилган қоғоз (объективка) ҳамда юқори идора тавсияномасига суянади, ишонади. Депутатлар эса туман ёки вилоятдаги ишчан, салоҳиятли, виждонли кадрларни яхши билади. Маҳаллий идораларга раҳбарлар Кенгашларда тасдиқланиши шу жиҳатдан муҳим, деб ўйлайман. Чунки ўша тасдиқлаш жараёнида номзодга бериладиган саволлар маълум маънода бўлажак кадрнинг иқтидорини очиб бера олади.

**Бир нарсани тўғри тушунишимиз керак. Тайинланган раҳбар эртага ишни тортиб кетолмаса, уни жазолаш ёки вазифасидан озод этиш билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди, аксинча, қимматли вақт бой берилгани қолади.**

Шунинг учун соҳаларга раҳбарларни танлашдан олдин номзодларни яхшилаб чиғириқдан ўтказиш зарур. Бу жараён очиқ ва шаффоф бўлиши жуда муҳим. Маҳаллий раҳбарларни Кенгашларда тасдиқлашни шу маънода кенг тушунишимиз керак. Яъни, ўта масъулиятли масалада қарор олдиндан ёзилган қарорни номига тасдиқлаш саҳнаси бўлиб қолмаслиги биз каби депутатларнинг қатъиятимизга боғлиқ.

Президентимизнинг 2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар бир йил ичида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда қанчалик янгиликларни ҳаётга олиб кирганига гувоҳ бўлдик. Ишонамизки, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш юзасидан илгари сурилган бу галги янги ташаббуслар ҳам тезда ўз самарасини беради.

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

**Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишар экан, уларни амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси олдига муҳим вазифалар қўйди.**

# Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шаффофлик, ҳалоллик таъминланади

Эндиликда шаҳар прокуратураси инвесторларга ер ажратилишидан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичларни назоратга олади, яъни лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофликни, ҳалолликни таъминлайди, коррупцияга йўл қўймайди.

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг янги тизими ҳақида **Тошкент шаҳар прокурори Шерзод ОБЛОҚУЛОВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Президентимизнинг топшириқлари, 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш дастури доирасида 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини татбиқ этиш кўзда тутилган. Уларнинг тўлиқ ишга туширилиши 37 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини беради.

Бизнинг вазифамиз эса, бу лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорларнинг, хусусан, чет эллик инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шаффофликни таъминлаш, ортиқча қоғозбозлик, коррупциянинг олдини олиш. Бир сўз билан айтганда, инвестор билан бирга нафас олиб, уларнинг муаммоларини ўз вақтида тезкор ҳал қилишга кўмаклашишдир.

Шу мақсадда пойтахтимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ва прокурорининг қўшма фармойиши қабул қилинди.

Фармойиш билан инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиб борувчи шаҳар ва туман ишчи гуруҳлари тузилди. Бу ишчи гуруҳлар лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради, инвесторларга ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашади. Туман ишчи гуруҳлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳақида ҳар 15 кунда шаҳар ишчи гуруҳига ҳисобот бериб боради. Бу жараён иш самарадорлигига тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, инвесторларга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилишга туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳам жавобгар ҳисобланади.

Тошкент шаҳар прокуратураси инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, лойиҳаларнинг белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш, ишчи гуруҳлар фаолияти устидан тизимли прокурор назоратини ўрнатиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, инвесторлар фаолиятидаги муаммоларни тезкор ҳал қилиш мақсадида шаҳар прокурорининг туманларда инвесторлар билан учрашув жадвали тасдиқланган.

Шу асосда ҳафтанинг белгиланган кунларида туманларда инвесторлар билан учрашамиз. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, таклиф-мулоҳазаларини эшитамиз. Муаммолари бўлса, ваколатимиз доирасида тезда ҳал қилишга киришамиз.

Бир мисол. Яқинда Мирзо Улуғбек туманида инвесторлар билан учрашдик. Қори Ниёзий ва Лашкарбеги кўчалари чорраҳасида қиймати 15 миллион долларлик замонавий уй-жой қуриш лойиҳасини амалга ошираётган "Uzakay Inshaat" МЧЖ раҳбари Айжан Думан қурилиш ишлари учун электр тармоғига уланишда муаммоларга дуч келаётганини айтди. Шаҳар прокуратураси томонидан кўрилган чоралар натижасида қурилиш участкаси тегишли тартибда электр тармоғига уланди.

Шу тариқа биз ҳар бир лойиҳа тасдиқлангандан то ишга тушгунига қадар бўлган жараённи кузатиб борамиз. Мақсадимиз битта – инвестор ҳеч кимдан ноҳақлик кўрмасин, инвестиция жалб қилиш тизимида коррупция, сунъий тўсиқлар учрамасин. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, биз бунга йўл қўймаймиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу маънода, инвестиция бизга фаровон ҳаёт тақдим этади.

**ЎзА мухбири Улуғбек АСРОРОВ ёзиб олди.**

Кўпи билан ўн чақирим узоқдаги бозордан кўтара мол олган дўкон эгаси унга юз фоиз устама қўйишни ўзича «тадбиркорлик» атаб турса...

# Маркетчи... тадбиркорми?

## *Чўнтагимиздаги «ақча»га кўз тикканлар...*

**МУЛОҲАЗА**

**... Ушбу «оғриқ»ли мавзуни ёзмоқ иштиёқи кўпдан тинчлик бермасди-ю, баъзи «аммо»лар ҳар сафар қўлимни қайтарар, яхшиси, адлу инсоф аталмиш, ҳозирда камёб неъмат ҳақида маслаҳат мақомида, мулоҳазали чиқиш қилсам, ўзим ҳам тинч, олам-да сокин, деган андишага борардим. Аммо бир воқеани эшитиб, ниҳоят, ёзишга журъат қилдим.**



Коллежда сабоқ берадиган ука дўстимиз Эркинбой Сафоев ачиниш билан сўзлаб берган ҳикоя унинг ҳамкасбларига танишдир:

«Бўйи-бўйимга тенг ўқувчи йигит дарс сабоқларига бепарво, аксига дарс ўтаётганингда телефон ковлаштириб, ёнидагиларни ҳам чалғитиб ўтиради. Гапинг кор қилмайди, айтавериб оғзинг ҳоригани қолади. Бир куни унга навбатдаги панду насиҳатни беришга мажбур бўлдим. «Амри маъруф»ни узоқдан бошладим. Яхши ўқиса, эртага ўзи истаган олийгоҳга кириши, бирор мутахассисликни эгаллаши, рўзғорини кам қилмай боқиши, хорижда мардикорчилик қилмаслиги, вақт келиб бирор лавозим эгаси бўлиши ва шунга ўхшаган насиҳатимга у ҳеч кутилмаганда: «Мен келажагимни аллақачон таъминлаб қўйибман, керак бўлса, сиз бир ойда оладиган маошча пулни бир кунда топаман!», деса бўладими. Ўша манба нималиги билан қизиқдим. У саволимга бепарво, ёнида ўтирган шеригига «Сен айт!», деб ияги билан ишора қилди. Шунда шериги ўша қизиққаним жавобини айтди: «Отаси катта дўкон қурди, шуни айтаяпти. Ҳозирдан дўконда савдо қилаяпти. Дўкони жуда катта».

...Ҳамкасбимизнинг неварасига қўшимча озиқлантириш учун шифокорлар сунъий озуқа тавсия қилишган. «Нан», деб номланадиган бу емишни излашга мажбур бўлдим. Қарангки, унинг салкам ярим килоча ва яна бир килоча келадиганлари бўларкан. Чиройли думалоқ идишда. Кичик «Нан» ва катта «Нан» баҳоси орасидаги фарқ ажабтовур сезиларли. Майли, ҳозир гап ҳажм ҳақида эмас, «тадбиркор»ларнинг антиқа тадбиркорлиги тўғрисида.

«Ҳазорасп кийим-кечак бозори» МЧЖ ҳудудида кўтара савдо қиладиган махсус расталар бор. Шу ердан катта «Нан»нинг бир қутисини 112 минг сўмга харид қиласиз. Бозордан бирор беш юз қадам нарида жойлашган, тепасига «супермаркет», деб ёзилган дўконда эса шу «Нан»ни ҳеч тап тортмасдан 140 минг сўмдан сотишяпти.

Вилоят маркази Урганч шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудидаги кўтара савдо растасидан кичик «Нан»нинг бир донасини 65 минг сўмга оласиз. Агарда кўпроқ олсангиз, сотувчи баҳони янада пасайтиради. Энди бозордан тўрт юз қадам масофада жойлашган «Тўмарис Нур» гипермаркетига келсангиз, шу идиш, шу сиғимдаги «Нан»ни 106 минг сўм деб ёзиб қўйишибди...

Мана, сизга замонавий тадбиркорлик. Кўтара бозордан юз дона «Нан»ни арзон-гаров олган маркет ёки супер маркет эгаси (ўзимизча дўкон, дейиш ўрнига ҳамма ёқни маркетлаштирганларга ҳам қойил!) ҳар қутисида 20-30 мингдан фойда қилса... боя танишимиз афсусла қайд қилган, яъни «эртасини таъминлаган» дўкондорнинг ўғли бир кунда оддий ўқитувчи эмас, қирқ йил мадраса тупроғини ялаган профессор бир ой аҳли толибга асабини эговлаб топганини бир кунда ишлаб топишига ишонмай иложингиз йўқ.

...Биз билан мактабда ўқиган йигит юзгача санашни билмасди. Шундан уни ўша вақтдаги ўрта-махсус билим юртига юборишди. Шу ерда тракторчиликка ўқиди, колхозда мойга ботди, нафақага ҳам чиқди. Нафақаси оддий қоровулники қатори. Аммо, у яқинда «Ласетти» машинаси олди. Нима эвазидан? Албатта, нафақасини йиғиб эмас. Тракторчи нафақасини йиғиб... нари борса велосипед олиши мумкин. Унинг хорижда бир неча йил ишлаб қайтган ўғиллари уйининг гаражини сал таъмирлаб, кичик дўкон (унинг пештоғида ҳам маркет деб ёзиб қўйилган) очишди. Ва қарабсизки, икки йилга бормай яп-янги машина. Янги дўкон (улар иборасича супермаркет) қуриш учун ер ҳам олишган. Нима ҳисобидан? Яна ўша манзилга қайтамиз. Улар ҳафтада неча марта Ҳазораспдаги машҳур кўтара, яъни чакана бозордан турли озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж молларини олиб, ўз маркетларида устига истаганча устама қўйиб сотишади.

Бозорда савдо қилувчи танишимиз айтишича, пойтахтдаги «Абу сахий» бозорида бир донаси минг сўм турадиган матоҳ энг чекка қишлоқ дўконига келгунча уч марта баҳосини ўзгартиради. Тўғриси, уч ҳисса қимматлашади. Белгиланган тартибга кўра, «Абу сахий»дан кўтара мол олган тадбиркор уни минг чақирим йўл босиб келгач, 20 фоизгача устама билан сотишга ҳақли. Бу «кўтарачи» тадбиркор келтирган молини доналаб сотишдан кўра, устига шу фоизни қўйиб кўтара сотишдан манфаатдор. Чунки, кўтара савдода миллионлар миллионларни туғади. Тошкентдан кўтара мол олган яна бир тадбиркор энди уни турли ҳудудлардан келган маркет эгаларига яна фоиз қўйиб сотади. Бу маркетчи ўз навбатида ўз фоизини қўяди. Қарабсизки, заводда таннархи минг сўм бўлган нарса вилоятларга келиб, маркетчиларга еткунча уч минг сўмга чиқиб турибди.

Касбимиз тақозоси билан туманларда янгидан ташкил қилинган иш ўринлари сони билан қизиқамиз. Маҳаллий ҳокимликлар тақдим қилган, **«ўтган тўққиз ойда қишлоқларда янгидан элликта иш ўрни очилди»,** деб берилмиш ҳисоботларнинг энг камида қирқ саккизтаси савдо шохобчалари ҳисобига тўғри келади.

...Ёшлигимизда фарзандининг узоқ шаҳарга бориб ўқишини истамаган оталари «Нима ўқиб, завод қурармидинг!», деб дакки беришарди. Кекса авлод вакилари учун «завод қурмоқ» дунёдаги энг мушкул, орзуманд юмуш эди. Яна орзу эдиким, шу завод қурган банда эл эҳтиёжи учун керакли нимадир ишлаб чиқарарди. Отам раҳматли ўтмишда довруғ таратган инсонлар ҳақида гап кетганда, Хивага қирқ саккиз йил хонлик қилган Муҳаммад Раҳимхон сонийни эмас, ўша замонларда Ҳазорасп қалъасида завод қурган Мадримбой деган бир сармоядор инсонни кўп эслардилар. Қалъага борганларида йўли тушган манзилларни «Мадримбой заводининг қибласида экан» ёки «Мадримбой заводи ёнидан ўтдик», деб такрорлашни ёқтирардилар.

Мадримбой қурган заводдан отам беш танга манфаатдор бўлмаган, албатта. Болалик вақти шу заводни атай бориб кўрганлар, баланд минорасидан чиқиб турган тутуни умрбод ёдларида қолган. Аммо, шу завод юзлаб одамларга қора қозонини қайнатиш воситаси бўлган.

Хон замонларида завод қурганларни биров тадбиркор атамаган. Сармоядор бандалар дейишган.

Болалик вақтимизда – ўтган асрнинг олтмиш, етмиш, саксон ва ниҳоясида ҳам бизнинг бирор ўн минг киши истиқомат қиладиган қишлоқда учтагина дўкон бўларди. Уларнинг иккиси озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари сотса, бириси хўжалик моллари дўкони эди. Уни оддий халқ «темир дўкон» дерди. Ҳафтада бир марта бозор бўларди. Қолган неки зарур бўлса, шу дўконлардан олинарди. Эътиборлиси, ҳамма товарларга баҳоси кўрсатилган ёрлиқ илдириб қўйиларди...

Ҳозирда қишлоғимиз аҳолиси деярли икки баравар ошган. Дўконлар, йўқ, маркетлар сони эса юздан ортиқ. Бирорта маркетда сотилаётган молда баҳо кўрсатилган ёрлиқ йўқ. Шунда сотувчи билан харидор ўртасида «Манави қанча?», «Фалон сўмга бермайсизми?», деб савдолашиш одатий ҳолга айланган.

Хўш, дўкондорлик, аниқроғи, маркетчилик тадбиркорликми? Қадимда бундай инсонларни савдогарлар, дейишган. Бу касб пайғамбаримиздан мерос. Ўша замон савдогарлари карвонларда неча ойлар машаққат чекиб, узоқ шаҳарлардан маҳсулот келтириб сотишган. Ундаям адлу инсофни унутишмаган. «Инсоф ярми бўлсин!», ибораси шу замонлардан қолган. Яъни, ярим йиллаб заҳмат чекиб, келтирган молига сотиб олган нархининг ярмидан кўп устама қўйилмаган.

Ҳозир... кўпи билан ўн чақирим узоқдаги бозордан кўтара мол олган дўкон эгаси унга юз фоиз устама қўйишни ўзича «тадбиркорлик» атаб турса... Шундоқ кўтара бозордан олган маҳсулотга юз қадам наридаги маркет эгаси ҳам кўнглига тушган фоизни илаштирса...

Сармоядор инсонлар «тадбиркорлик»нинг энг осон, энг сердаромад йўлига муккасидан кетишган, топганлари – дўкон қуриш, билганлари – дўкон қуриш. Харидор чўнтагидаги пулга инсофсизларча шерик бўлиш.

...Дўконларларни, йўғ-е, маркетчиларни тадбиркор аташга сира тил бормайди. Улар ҳақида гап кетганда, оддий халқ ҳали ҳамон эскитдан қолган иборани ишлатишади – «ОЛИБ СОТАРЛАР».

Яна биламанки, бир-бирининг чўнтагидаги ақчага кўз тиккан миллатнинг халққа айланиши қийин кечади...

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**МЕНДА ТАКЛИФ БОР**

**Ҳурматли Бош муҳаррир!**

**Менинг ёшим 82 да, I гуруҳ ногирониман. Узоқ йиллар Каттақўрғон шаҳар газетасида муҳаррир бўлиб ишлаганим туфайли бу касбнинг шарафини, қийинчиликларини яхши биламан. Тақдир тақозоси билан Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшаяпман. Ҳозиргача кундалик газеталарни ҳар куни бир-бир варақлаб чиқмасам, кўнглим жойига тушмайди.**

# Хазиналар калити



«Ўзбекистон овози» газетасида кишини мунозарага чорлайдиган мақолалар чоп этилаётгани қўлимга қалам олишга сабаб бўлди. Айниқса, «Муносабат», «Менда таклиф бор» рукнларида берилаётган мулоҳазалар, танқидий мақолалар, обуна масалалари бўйича билдирилаётган фикрлар газетхонни бефарқ қолдирмайди, ўйлашга чорлайди.

Менинг фикримча, ўтган икки йил мобайнида газеталар жонланди, яна халқ минбарига айлана бошлади. Бунинг сабаби, Президентимиз Шавкат Мирзиёев матбуотни «тўртинчи ҳокимият» сифатида қўллаб-қувватламоқда, буни кўриб, қувониб турибмиз. Сир эмас — матбуоти мажруҳ бўлган жамият ривожланмайди, бир ерда туриб, депсинишдан нарига ўтолмайди. Майли, обуна билан боғлиқ муаммолар алоҳида масала.

Мен бошқа бир таклиф билан сизларга мурожаат қилмоқчиман. Маълумки, ҳозир халқ таълими, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида рус, инглиз, француз, немис, итальян тилларини ўргатиш кенг авж олган. Боғчаларда ҳам болажонларимизга хориж тилларидан сабоқ бериб борилаяпти. Бу яхши, албатта. Чунки дунё ҳамжамиятига юз тутаётган мустақил Ўзбекистонимиз келажаги ана шу ёшларга боғлиқ.

Аммо бир таклифни айтмоқчиман. Болаларимизга араб тили имлосини ўргатишга алоҳида эътибор берадиган пайт келди. Эҳтимол махсус қарор қабул қилиш керакдир. Чунки, араб тилини ўргатиш икки томонлама аҳамиятга эга. Биринчидан, хориж тили сифатида ўрганилади. Иккинчидан, энг муҳими, тарихимиз, маданий меросимизнинг катта қисми араб имлосида битилган. Алломаларимиз томонидан ёзилган, халқимизнинг ноёб ва бебаҳо хазинаси бўлган асарлар, илмий тадқиқотлар араб имлосида, эски ўзбек ёки форс тилида битилган.

Шўро даврида бизни тарихимиздан мосуво қилишни истаганлар XX аср бошларида араб ёзувидаги эски ўзбек тилини аввал лотин алифбоси, кейин кирилл алифбоси билан алмаштиришди. Натижада халқимиз саводсизлик гирдобига тушиб қолди.

Таклифим шуки, болажонларимизга боғча ёшидан бошлаб бошқа хорижий тиллар билан бир қаторда, араб ёзуви ҳам ўргатиб борилса. Кичкинтойларга араб ёзувини ўргатиш жорий этилса, биринчидан, жуда кўплаб исломшунос ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш имкони бўларди. Иккинчидан, — бу энг муҳими — яқин беш-ўн йилдан кейин ана шу ёзувни ўзлаштирган ёшларимиз саъй-ҳаракати билан қўлёзмалар институтида, улуғ алломаларимизнинг дунё мамлакатлари музейларида турган тафаккур хазинасига калит топилади, деб ўйлайман.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**пенсионер, журналист.**

# ? Мени қийнаган савол

**Кеча ҳар доимгидек дарсдан сўнг, матбуот биноси томон йўл олдим. Университет ҳудудидан чиқиб, кўп қаватли бинолар оралаб ўтар эканман, йўл четида ётган бир кишига кўзим тушди. «Ичганмикин?». Хаёлимга келган биринчи савол шу бўлди. Кейин эса «Балки ҳушидан кетиб қолгандир?», деб ўйладим. Қиз бола бўлганлигим сабабли яқин боришга андиша қилдим. Лекин индамай ўтиб кетишга ҳам кўзим киймасди. Йўлакдан одамлар ўтиб-қайтар, аммо ҳеч бири эътибор қилмасди.**

Ёшроқ бир йигитни тўхтатиб, унга ҳалиги кишини кўрсатдим. «Эҳтимол юраги ёмон бўлиб, ҳушидан кетгандир, қараб кўриш керакми?», — дедим. Йигит эса, «Э, бир ароқхўрдир-да», — деди-ю, қўлини силтаб, ўтиб кетди. Ғалати аҳволга тушиб қолдим. «Нима қилсам экан? Мен ҳам индамай кетаверайми!? Йўқ, у ҳам ахир инсон, тирик жон-ку». Шу пайт ёши олтмишларга борган отахон келиб қолди. «Амаки, ана у киши ҳушидан кетиб ётибди, бир нима бўлганга ўхшайди», дедим. Амаки ётган одамнинг ёнига бориб, энгашиб, нафас олаётган, олмаётганини кўрди. Сўнг «Мастга ўхшайди», — деди. Менга кетаверишим мумкинлигини, ўзи «Тез ёрдам» чақиришини айтди.

Йўл... Кетаяпман-у, бир савол тинчлик бермайди: Одамлар нега бир-бирига бефарқ-а?.. Яқинда чорраҳадан ўтаолмаётган онахонга ёрдам берганим ёдимга тушди. Кекса аёл пиёдалар ўтиш жойида йўл очиқ бўлса ҳам ҳассага таянганча кўчанинг нариги томонига ўтишга қийналарди.

Онахонни қўлидан ушлаб, етаклаб ўтказиб қўйдим. У мени узундан-узоқ дуо қилди. Ҳозир шу ёдимга тушди-ю, кўнглимда бир енгиллик сездим.

Кейин яна бояги ҳолатни эсладим. Нега кўчада беҳуш ётган инсонни кўрсак айланиб ўтамиз?! Уни ҳам уйида яқинлари кутаётганини, унинг аҳволи қай даражада эканлигини, нима, учун бу ҳолга тушиб қолганини сўраб-суриштирмаймиз? Кимнингдир телефони ерга тушиб, зарар кўрса ачинамиз-у, инсон боласига келганда бу ҳиссиёт қайгадир йўқолади.

Мана шу каби саволлар қалбимни ўртайди...

**Мафтуна АБДУКАРИМОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.**

# Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология

## *тизимларида бир қатор енгилликлар жорий этилмоқда*

**МАТБУОТ АНЖУМАНИ**

**«Ўзстандарт» агентлиги томонидан Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси таҳлили, шунингдек, уни ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар учун аҳамияти тўғрисида матбуот анжумани ташкил этилди.**




— Ушбу қарорнинг 1-бандига асосан Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш (ILAC) ва халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш идоралари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материал ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилиниши белгиланган, — дейди **Республика синов ва сертификатлаштириш маркази директори Ақилбек Мустафоев.** — Ушбу қарорга асосан бугунги кунга қадар 27 тадбиркорлик субъекти томонидан олиб келинган 96 турдаги маҳсулот (қишлоқ хўжалик техникаси, металл маҳсулотлари ва бошқалар) мажбурий мувофиқлик сертификатларидан озод этилди. Шунингдек, ўтган вақт мобайнида 6 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни кўк чой, макарон маҳсулотлари, музлатилган товуқ гўшти каби қарийб 700 миллион сўмлик маҳсулотлар ёрлиқланиш ва сақланиш бўйича номувофиқ деб топилди.

Яна шуни айтиш мумкинки, эндиликда олиб кириладиган истеъмол маҳсулотларини мажбурий сертификатлаш фақат агентлик тизимидаги сертификатлаштириш идоралари томонидан амалга ошириш белгиланган. Шу кунга қадар республика ва ҳудудий сертификатлаштириш идоралари томонидан 390 дона мувофиқлик сертификатлари берилди.

Бундан ташқари, синов (ўлчов) лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан юқоридаги қарорга мувофиқ агентлик тизимидаги лабораторияларни ривожлантириш, фаолиятини халқаро талабларга мувофиқлаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар давомида Республика синов ва сертификатлаштириш маркази қошидаги озиқ-овқат маҳсулотларини синаш лабораториясига Кореянинг KOICA дастури орқали грант ҳисобига замонавий 3 дона синов ускуналари келтирилди. Ушбу ускуналар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлик кўрсаткичлари аниқланади. Шу билан бирга, лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш мақсадида Жаҳон банкидан 20,3 миллион доллар имтиёзли кредит олиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда зарур ҳисобланган электромагнит мослашувчанлик бўйича тўла баҳолашни таъминлайдиган синов базасини ташкил этиш юзасидан Чехиянинг «EXPORTA» компанияси билан ҳамкорликда лаборатория ташкил этиш юзасидан 3,5 миллион евро миқдорида шартнома имзолаш кўзда тутилган.

Тадбирда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Кореянинг «SI RESOURCES CO LTD» компанияси билан автотранспорт воситалари, шу жумладан, газ баллон ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича лабораториялар тармоғини яратиш мақсадида қўшма корхона тузиш юзасидан келишув имзолангани ҳамда ушбу лойиҳага асосан ҳудудларда 15 та лаборатория ташкил этилиши белгилангани тўғрисида маълумотлар берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўша куни ухламади, изтиробли хаёллар исканжасида тонг оттирди...

# Қуёш кулган кун

*(ҳаётий ҳикоя)*

ТАҚДИР

**Куз. Ҳаво намхуш совуқ, гўё қуёш ҳам совуқдан қочиб булутлар ортига яширингандай, куннинг қовоғи солиқ. Тергов ҳибсхонасининг тўртга беш метрлик хонасидаги муҳит бунданда оғир ва тунд. Девор бўйлаб икки қаватли сим кроватлар, ўртага темир стол ва стуллар қўйилган, хонанинг шифтга яқин қисмида деразa ўрнини босувчи кичик бир дарчадан озгина бўлса-да ёруғлик хонага сизиб кирмоқда. Хонада турли ёшдаги беш нафар аёл, ҳар бири ўз хаёли билан банд, уларни олдинда суд кутмоқда, жазо кутмоқда.**



Гулнигор бу ерга олиб келинганига икки ҳафтадан ошди. Эндигина 20 ёшга тўлган қиз темир кроватда икки тиззасини қучоқлаб, бошини эгиб жим ўтирибди. Лекин юраги қинидан отилиб кетгудек урмоқда, кўзидан дув-дув ёш қуйилмоқда. Бир томони қилмишидан уятда, бир томони ногирон онаси, 10 ёшли сингилисининг ҳаётини ўйлаб, ич-ичидан эзилмоқда.

Кеча тушида отасини кўриб, уйғониб кетганча, ухлай олмади. Болалиги, отасининг эркалашларини қўмсади. Бир гал Наврўз байрамида кўп ширинликлар ва сариқ рангли чиройли кўйлак олиб бергани ёдига тушди...

Кейин... кейин отасининг ичиб келиб, уйда онаси билан жанжал қилганлари-ю, кунлаб уйга келмай қўйганлари, етти йилча олдин эса онаси билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетгани ва шу-шу қайтиб келмаганлигини эслади.

Онаси касалманд бўлиб қолгач, оила ночор аҳволга тушиб, дори-дармонга ҳам пул тополмай, қўни-қўшнилардан қарз сўраб, кун кўришаётганди. Гулнигор онасининг қийналганлигини кўриб, унга ёрдам беролмаётганидан изтироб чекарди. Ана шундай кунларнинг бирида у жиноятга қўл урди. Бозорда ёш қизчанинг қулоғидаги сирғага кўзи тушиб, пулига онамга дори оламан, деган хаёлда, унинг сирғасини алдаб ечиб олганлиги, кейинчалик терговчи иштирокида қизчанинг ота-онасига сирғани қайтариб бераётганида уятдан иссиғи чиқиб кетгандек бўлганини эслади. Юзини қўллари билан беркитди, оғир хаёлга ботди: ***«Энди нима қиламан, уч ярим йил қамоқда ўтирсам, синглим бечора кичкина бўлса, онамга ким қарайди?.., мен нима қилиб қўйдим?»*** деган саволлар ич-этини тирнарди.

Темир эшик тақиллаганида фикри бўлинди, бошини кўтариб, эшикка қаради. Назоратчи Республика ишчи гуруҳи аъзолари суҳбатга келганлигини эълон қилиб, ўзини четга олди.

Барча хонадошлари қатори Гулнигор ҳам тезда ўрнидан туриб, уст-бошини тўғрилади ва улар қаторига бориб турди. Хаёлидан «келганлар нима дер экан, нега жиноят қилдиларинг, деб уялтирса керак,» деган гап ўтди. Меҳмонлар икки киши экан. Улардан бири «Биз ***«давлатимиз Президенти топшириғига кўра, сизлардан хабар олгани келдик, соғликларингиз яхшими, нима шикоятлар бор?»***, деди. Гулнигор аёллардан бири жавоб берар, деган ўйда ерга қараб сукут сақлаб турарди. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда, келганлардан бири, ***«Сизлар нимага бу ерда ўтирибсизлар, келинглар, гаплашайлик, балки бирон ёрдамимиз тегар, биздан тортинманглар»***, деганида Гулнигор хиёл бошини кўтарди. Рўпарасида отаси тенги кишилар ачиниш билан қараб турганини кўрди. Йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлаб турди.. Шу пайт хонадошларидан ёши катта аёл, ўзини таништириб, ўғирлик қилиб қўйгани, ўғирлаган нарсаларини қайтариб берганлиги, лекин жазоланишдан қўрқиб қочиб кетганлиги, шу сабабли ушлаб олиб келиб қамаб қўйганликларини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган боласи ва қария онаси борлигини айтди. Келганлар, тергов туғаган-тугамаганлигини, бундан олдин судланган-судланмаганлигини суриштириб, ёзиб олишди. Узоғи билан икки-уч кунда суд ишингизни кўриб чиқади, энг муҳими қилган ишингиз нотўғри эканлигини англаб етганингизда, насиб қилса, фарзандларингиз олдига қайтасиз, дейишди.

Хонадошлар жонланиб, бирин-кетин ўзларини таништириб, содир этган жиноятлари, пушаймон эканликлари ҳақида гапира бошлашди... Келган кишилардан бирининг «қани қизим, *сиз нега бу ердасиз?»*, деган гапидан Гулнигор навбат ўзига келганлигини билди ва «жиноят қилиб қўйгандим, бир қизчанинг сирғасини алдаб олиб қўйгандим», деган гапни зўр-базўр тилидан чиқарди.

Оилада неча кишисизлар, нега бундай қилдингиз, суд бўлдими, қандай жазо тайинлашди, деган саволларни эшитиб, онаси ва 10 ёшли синглиси борлигини, онасининг икки оёғи ишламаслигини, суд уй қамоғи жазоси тайинланганини, шундан кейин туман ободонлаштириш бўлимига ишга кириб ишлай бошлагани, бошлиқлари тўй қилганида қўшиқ эшитишга қизиқиб, ўтириб қолгани ва тартибни бузиб қўйганлиги, шунинг учун суд бўлиб, жазони ўташ учун қамоққа қайтарилганини амаллаб тушунтириб берди.

Онангизга қаровчи бирон киши борми, деган саволни беришганида, «йўқ», деб бош қимирлатди-да йиғлаб юборди. Шунда келганлардан бири: «майли, тушкунликка тушманг, ишингизни ўрганиб чиқайлик, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Сиз ҳозир ўтириб, оилавий аҳволингизни, қилган ишингиздан пушаймон эканлигингизни ёзиб беринг, муассаса раҳбарияти хатингизни тегишли тартибда расмийлаштириб, бизга етказиб беради», деди. Шундан кейин умидсизликка тушмаслик кераклиги, энг асосийси хатони тушуниб етишда эканлигини айтишди.

Улар чиқиб кетишгач, хонада ҳамма бирдан жонланди, ўзаро суҳбат бошланди, кимдир қоғоз-қалам олиб, ариза ёза бошлади. Гулнигор аввалига ***«онангизга қаровчи борми, деб сўради, наҳот мени озодликка чиқаришади ёки онамга қаровчи тайинлашармикин?», деб хаёл сурди, сўнгра «вой, кимнинг номига ариза ёзишни сўрамабман-ку»***, деб хонадошларига қаради. Бирови биз Олий судданмиз, деди-ку, судга ёзиш керакдир, деди, бошқаси Президентимиз юборди, деб айтдими, демак, Президентимиз номига ёзиш керак, деди. Гулнигор, Ўзбекистон Республикаси Президентига, деб ариза ёзди, оилавий аҳволи, қилган ишидан мингдан-минг пушаймонлигини баён қилди. Хатнинг охирида узоқ ўйланиб қолди. Агар отам бўлганида ундан кечирим сўрар эдим, афсуски, отам йўқ, деган аламли фикр хаёлидан ўтди. Охири Президентга ёзган хати охирига катта харфлар билан «ОТА, мени кечиринг» деб ёзиб, имзо қўйди. Ўша куни тонг отгунча ухламади, хаёллар, изтироблар исканжасида тонг оттирди. Кутилмаганда эрталаб назоратчи эшикни очиб, ***«Гулнигор Одилова нарсаларингизни олиб чиқинг, судга борасиз»***, деди. Хонадошлари бирин-кетин қучоқлаб хайрлашишди, илоҳим қайтиб келмагин, дейишди.

Гулнигор эшик олдига келиб, мўлтираб турган хонадошларига хайр маъносида бош эгди ва назоратчининг олдига тушиб кетди. Қамоқхона ҳовлисида турган ҳамма томони ёпиқ, ойнаси панжарали машинага олиб чиқишди. Узоқ юрилди, машина кўп маротаба ўнгга, чапга бурилди, ниҳоят тўхтади, эшик очилди. Бино пештоқидаги ёзувдан билдики, вилоят судига олиб келишибди.

Суд залидаги панжара ичида ярим соатча туриб қолди, нима бўлишини билмайди, бировдан сўрай олмайди. Мавҳумлик исканжасида турганида, суд залининг орқа эшигидан уч нафар судья кириб келди ва аризасига асосан унинг ишини қайта кўриб чиқишларини эълон қилишди. Суд котибига туман хотин-қизлар қўмитаси раисини, суд залига таклиф этиш ҳақида топшириқ берилди. Суд котиби чиқиб кетиб, жуссаси кичиккина, лекин боқиши-ю, юзида нури бор 40-45 ёшлардаги аёлни бошлаб кирди.

Суд бошланди, судья Гулнигор содир этган қилмишини қайд этиб ўтгач, оилавий аҳволи, онасининг ногиронлиги ва доимий қаровчига муҳтожлиги, синглиси мактаб ўқувчиси эканлигини маълум қилиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг фикрини сўради.

Прокурор Гулнигор Одилованинг оилавий аҳволини ҳисобга олиб, суднинг унга нисбатан жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш, уни озодликка чиқариб, хотин-қизлар қўмитаси кафиллигига бериш мақсадга мувофиқ эканлигини айтди. Хотин-қизлар қўмитаси раиси кўп гапирмади, лекин «Бу синглимизнинг шу ҳолатга тушишида барчамизнинг айбимиз бор, агар вақтида ёрдам қўлини чўзганимизда бундай бўлмас эди. Суд уни озод қилиб, кафиллигимизга берса, барча чораларни кўрамиз», деганида, Гулнигорнинг кўнгли бўшаб, унсиз йиғлай бошлади.

Шунинг учун суд унга сўз берганида, йиғидан ўзини тўхтата олмади, ***«мени кечиринглар..., онамга қарашим керак»***, дея олди холос.

Суд маслаҳатхонага кириб кетди. Судья суд қарорини ўқий бошлаганида, дастлаб Гулнигорнинг қулоғи ғувиллаб ҳеч нарсани эшитмай қолди. Эсида қолгани **«суд залидан озод қилинсин»**, деган биргина жумла бўлди, панжара ёнида турган милиция ходими уни ташқарига чиқишга имлади.

Гулнигор панжара ташқарисига чиқиши билан қўл-оёғи бўшашиб, ҳолсизланиб бораётганини ҳис қилди, хайриятки, судья барчага ўтиринглар, деб таклиф қилди. Шундан сўнг судья унга бўлган воқеалардан хулоса қилиши, ҳаётини йўлга қўйиши кераклигини, хотин-қизлар қўмитаси раисига эса, Гулнигорнинг ўзи ва оиласидан доим хабардор бўлиб туриш, ёрдам кўрсатиш лозимлигини тушунтирди.

Гулнигор хотин-қизлар қўмитаси раиси ҳамроҳлигида суд биносидан узоқлашаётганда ҳам озодликка чиққанига бир ишонса, бир ишонмасди. **«Президент отамга раҳмат, ҳаммага раҳмат,»** дея лаблари беихтиёр пичирлай бошлади, кўзларидан ёш қуйилди... Хотин-қизлар қўмитаси раиси уни бағрига босаркан, *«Бўлди қизим, йиғлама, бугундан бошлаб, сен менга сингилсан, энди уйингга, онангнинг олдига борамиз»*, деди.

Кейин Гулнигорни хизмат машинасига ўтқазиб йўлга тушди. Гулнигор атрофига қараркан, озодлик нақадар ширинлигини ҳис этди. Ўзига кўрсатилган бағрикенгликдан, меҳр-оқибатдан бутун вужуди билан миннатдор эди. Кўчада кетаётган одамларга, атрофга завқланиб боқарди, гўё ҳамма уни кутаётгандай эди, у ҳаммага кераклигини ҳис этди. Қуёш ҳам тепада кулиб турарди...

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**юрист.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти томонидан 2018 йил якуни ҳамда кимё тармоғи корхоналари фаолияти натижалари хусусида матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуманда ўтган йилда тармоқ корхоналарининг ривожланишига қаратилган инвестиция, инновация дастурлари орқали кимё саноатининг тараққиёти учун барқарор шароитлар яратиб берилгани тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

## «Ўзкимёсаноат»: 2030 йилга бориб, кимё маҳсулотлари

*ишлаб чиқарилиши 4,5 баробарга ортади*

Хусусан, ўтган йиллар мобайнида тармоқда ишлаб чиқариш қувватларини диверсификациялашга қаратилган ишлар республикамизнинг азот, фосфор ва калий ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига киришига имкон яратади. Шунингдек, иқтисодиётнинг қурилиш материаллари ва ойна ишлаб чиқариш каби тармоқлар ривожига зарур бўлган калцийнацияланган сода маҳсулотини Марказий Осиёда ягона ишлаб чиқарувчисига айланди.

Бундан ташқари, аммиак, карбамид, аммиакли селитра, аммоний сульфати, аммофос ва нитрофос каби маҳсулотларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган жамият таркибидаги корхоналар бугунги кунда ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг турлари ва ҳажми бўйича ҳам минтақада етакчи ўринни эгаллайди.

Жамият таркибидаги корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ 2018-2030 йилларда тармоқни диверсификация қилишни назарда тутувчи «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти фаолиятида ишлаб чиқариш қувваларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ҳамда бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унинг доирасида қарийб 7,3 миллиард долларлик 34 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур «Йўл харитаси»нинг бажарилиши натижасида 2030 йилга бориб, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 4,5 баробарга, шу жумладан, минерал ўғитларни икки баробарга, яъни 1,2 миллион тоннадан 2,4 миллион тоннагача, маҳсулотлар экспортини 4 баробарга ошириш ҳамда органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирда жамият корхоналари томонидан ўтган йили 4,17 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш борасида 466,9 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилгани, натижада 1242 янги иш ўрни яратилгани таъкидланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Янгича ёндашув зарур

*«Газета ўқимай ҳам яшаш мумкин» сарлавҳали мақолани ўқиб...*



АКС-САДО

**Роса бир асрни қаритиб, ҳануз эл хизматида бўлган «Ўзбекистон овози» газетасининг 2019 йил 22 январда чоп этилган 6-7 сони бир мухлис сифатида менда катта таассурот қолдирди. «Газета ўқимай ҳам яшаш мумкин» мақоласи айрим фикрларнинг уйғонишига туртки бўлдики, уни газетхонлар билан ўртоқлашгим келиб қолди ва беихтиёр компьютер қаршисига ўтирдим.**

Дарҳақиқат, мақолада ички оғриқлар билан билдирилган мулоҳазаларда жон бор. Чиндан ҳам бугун бир муҳаррир иккинчиси билан учрашса, соғлиқдан ҳам аввал, обуна ҳақида сўрайдиган бўлиб қолди. Бугун телекоммуникация ҳар қанча ривожланган бўлмасин, газетанинг, журналнинг ўрни ҳануз алоҳидалиги кўпчиликка сир эмас. Қолаверса, одамларда ҳар бир нашрни электрон интернетда ўқиш имкони йўқ.

Мана, узоққа бормайлик, мен ҳар бир нашрни кўздан қочирмай кузатиб бораман. Таниш-билиш ижодкорларнинг бирор материали босилган бўлса, қувонаман, қўнғироқ қилиб, табриклашга ҳаракат қиламан. Янгиликларни гарчи, интернетда ўқиш имконим бўлса ҳам газета-журналнинг ўрни бўлакча, деб биламан. Бу бевосита таҳририятда ишлаганим учун эмас. Интернетда оқни қорадан айриб, материаллар саралаб берилмайди. Шунинг учун, кейинги вақтларда интернет айрим кишиларнинг «кураш майдони»га айланиб қолди. Ачинарлиси, эл таниган туппатузук ижодкорларнинг «виртуал жанг»лари кишини ҳайрон қолдиради.

Иккинчи бир жиҳат – интернетдаги айрим матнларнинг имло қоидаларига зид равишда палапартиш жойлаштирилишига бефарқ қараб бўлмайди. Бу ҳолат обрў келтирмайди, кишида нохуш кайфият уйғотади.

Бугун босма нашрлар обунаси бир муаммо, почта хизмати сифатсизлиги иккинчи муаммо бўлиб турибди.

Шунингдек, «Шарқ юлдузи», «Тафаккур» ва бошқа журналларнинг сотувда йўқлиги, таннархи қимматлиги уларнинг аҳоли орасига кенг «йўл олиши»га монеълик қиляпти, назаримда. Матбуот дўкони сотувчиси «уларни биров сўрамайди, олмайди», деган важ билан, дўконга келтирмайди. Демак, нашрлар тарғиботига эҳтиёж бор.

Назаримда, бу борада янгича ёндашувлар зарурга ўхшайди. Яна бир мулоҳаза шуки, кейинги вақтларда айрим нашрларнинг маълум маънода ҳаётдан, одамлар муаммоларидан узоқлашиб кетиши ҳам уларнинг обунасига сабаб бўлди шекилли. Баъзи хусусий нашрлар ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Тайёр интернет ахборотлари билан газетанинг саҳифасини нима қилиб бўлса ҳам тўлдириб чиқаришга уриниш каби ҳоллар бора-бора газетхонлар қизиқишини сўндирди.

Журналистнинг хонада ўтириб, телефонда ахборот олиши каби қусурлар бугун ҳам баъзи нашрларда учраб турибди. Бир-икки маълумот сўралади-да, қолганини таҳририят ходими ўзи шаблон усулда ёзиб қўяқолади. Матбуот анжуманлари пайтида тарқатилган «Пресс релиз»ларни кўчириб, ахборот тайёрлаш ҳам тадбирнинг бир хил ёритилишига олиб келмоқда.

Иккинчи гап шуки, баъзи таҳририятларнинг муаллиф билан ишлаш тартиби талаб даражасида эмас. Айрим марказий нашрларда ҳам муаллифларга эътибор кўнгилдагидек эмас, деб ўйлайман. Чунки, таҳририятга мақола ёки ахборот юборган киши кўзи тўрт бўлиб кутади. Чиқсачиқади, лекин баъзан дом-дараксиз кетади. Муаллиф жавоб ҳам олмайди.

Ахир, бу, бориб турган лоқайдлик, эътиборсизлик эмасми? Илгари, нашрларда хатлар «обзор» бўларди. Таҳририятга келган ахборот, мақола, шеърлар обзор қилиниб, камчиликлари кўрсатиларди. Муаллифлар тегишли хулосалар оларди.

Бугун туман ҳокимлиги муассисилигида нашр этилаётган газеталарнинг, аксарияти зўрға, «нафас олаяпти». Бу газеталар таҳририятлари кун кўришнинг турли йўлларини излайди. Турли идора ва ташкилотларнинг қуруқ ҳисоботдан иборат маълумотларини пул-тўлов ҳисобига чоп этмоқда. Ўйлаб қоласан киши, ҳокимликка газета керак бўлса, нега ёрдам бермайди? Керак бўлмаса, нега ёпмайди?

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги босма нашрлар фаолиятини таҳлил қилиб, тартибга солиш, муассисларнинг таҳририятлар билан муносабатларига аниқлик киритиш лозимга ўхшайди. Акс ҳолда, муаммолар кўпайиб бораверади.

**Икромжон АСЛИЙ,**
**журналист.**

Германиянинг халқаро хайрия ташкилоти юртимизда кўплаб савобли ишларни қиляпти...



# Болаларни ҳаётга қайтараётган дўстона ёрдам

МУНОСАБАТ

**Инсоният учун олий қадриятлардан бири, шубҳасиз, дўстликдир. Бу сўз замирида ўзаро самимий муносабат, бир-бирига беғараз ёрдам, кўмаклашиш ётади. Айнан ана шу қадрият улуғланган жойда тинчлик, осойишталик қарор топади, ҳамкорлик мустаҳкамланади, мамлакатлар ривожланади.**

Маълумки, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари ҳақида гап борганда Германия биринчилар қаторида санаб ўтилади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу давлат энг тараққий этган мамлакатлардан иборат «Катта еттилик»ка киради.

Ўзбекистон учун Германия улкан сиёсий, иқтисодий ва илмий интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, ҳаёт синовларидан ўтган ишончли ҳамкор ҳисобланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакатга расмий ташрифи арафасида буни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, бу давлат жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Германиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган нуфузли ташкилотлари кўп. Ана шундай ҳамкорлардан бири «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти саналади. Мазкур ташкилот 1967 йилда ташкил топган бўлиб, дунёнинг 30 дан кўп давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти билан 2002 йилда ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Ана шу ҳамкорлик доирасида республикамиздан 12 ёшгача бўлган ва узоқ муддатли операцияларга муҳтож бўлган, кам таъминланган оилаларнинг хаста болалари Германиянинг нуфузли клиникаларига даволанишга юборилади.

Бундан ташқари, ҳар йили германиялик тиббиёт мутахассисларидан иборат делегация юртимизга келиб, вилоятларда аҳолини тиббиий кўрикдан ўтказади. Ана шу жараён давомида хорижда даволанишга муҳтож болалар танлаб олинади. Фонд томонидан имзоланган шартномага кўра, 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш, реабилитация қилиш масалалари ижобий ҳал этиб келинмоқда.

Кейинги ўн йил давомида ўзбекистонлик 250 нафар бемор бола тери куйиши асоратлари, қўл-оёқ бўғимининг туғма касалликлари ташхиси билан Германиянинг нуфузли шифохоналарида даволаниб қайтди. Бундан ташқари, 250 нафардан ортиқ ногирон бола операция қилинди.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилотининг грант маблағи доирасида жами 269 нафар бола республикамиз клиникаларида операция қилиниб, соғломлаштирилди. Шунингдек, юқори лаб танглайининг нуқсони бўлган 118 нафар бола Тошкент тиббиёт академияси, Бухоро вилоят касалхонасида жарроҳлик йўли билан операция қилинди.

Ана шундай беғараз ҳамкорлиги учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармонига кўра, «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

Ҳамкорлик шартномаси имзоланган даврдан буён республикамиздан 374 нафар бола ана шу мамлакат шифохоналарида операция қилиниб, соғломлаштирилди. Даволаниш жараёнлари 6 ойдан 2 йилгача давом этади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида лаб-танглай туғма нуқсони бўлган ҳамда ортопедик оёқ нуқсони бўлган ва кейинги асоратлари мавжуд бемор болалар республикамиз клиникаларида операция қилиниб соғломлаштирилмоқда. Бу амалиётлар Тошкент стоматология институти, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида амалга оширилмоқда.

Шу ўринда эътиборга молик, сон жиҳатдан ҳайратланарли бир маълумотни келтириб ўтсак. 2004 йилдан буён «Фриезендроф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти маблағлари ҳисобига жами 6 минг нафардан зиёд бемор операция қилинди. Бундай хайрия операциялари бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бемор болаларнинг дардига малҳам бўлиш, уларга беғараз ёрдам кўрсатиш, қувонч ҳадя этиш улуғ фазилатдир.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, тиббиёт соҳаси миллат, ирқ танламайди. Инсон зоти дардига даво топиш, уни даволаш учун бутун дунё мамлакатлари тиббиёти бирлашади, бир-бирига ёрдам беради. Бунга исталганча мисол келтириш мумкин.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро хайрия ташкилоти грант маблағлари ҳисобига 2015 йилдан буён юрак туғма нуқсони бўлган бемор болаларни операция қилиб, соғломлаштириш бўйича лойиҳа амалга ошириб келинади. Ана шу лойиҳа доирасида 364 нафар юрагида туғма нуқсони бўлган бемор бола Тошкент педиатрия тиббиёт институти кардиохирургия бўлимида, 71 нафар бола эса Ҳиндистониннг «Artemis Medicare Services Limited» клиникасида операция қилиб соғломлаштирилди. Жорий йилнинг февраль ойида яна 10 нафар бемор бола Германиянинг нуфузли клиникаларига даволанишга юборилиши режалаштирилган.

Рақамлардан кўриниб турибдики, неча юзлаб юраги хаста бемор болалар дардига шифо топилди. Яъни, мураккаб ва нозик саналган юрак туғма нуқсони операция қилинди. Бундай беғараз тиббий ёрдам, шубҳасиз, катта шарафга муносибдир.

Президентимизнинг Германияга давлат ташрифини барча тиббиёт ходимлари қаторида биз «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди жамоаси ҳам катта ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатдик. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик бўйича янги келишувлардан мамнун бўлдик. Биз инсон саломатлиги учун хизмат қилувчи бундай ҳамкорликни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз ва унга содиқ қоламиз.

Дўстлик, самимий ҳамкорлик ва умуминсоний қадриятлардан куч олаётган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар келгусида ҳам жадал тараққий этаверади. Ўзбекистон — Германия ўртасидаги дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик бундан буён янада юксак поғоналарга кўтарилишига ишончимиз комил.

**Светлана ИНАМОВА,**
**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси.**

ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Адолат — қонун устуворлигида» танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**
**Унда Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлар, Олий суд судьялари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

# «Адолат – қонун устуворлигида»




Маълумки, Олий суд томонидан «Адолат – қонун устуворлигида» танлови суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, Олий суд раҳбарияти оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлайди. Чунки журналистлар билан мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, судлар фаолиятида очиқ-ошкоралик, қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш, халқимизнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади, — деди **Олий суд раиси Козимжон Комилов** танлов ғолиб ва совриндорларини қутлар экан. — Негаки, ҳар қандай жамият, аввало фикрлар хилма-хиллигига асосан тараққий этади, ривожланади. Бугун Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан жамиятимиз ана шундай фикрлар хилма-хиллиги асосида юксалмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар газета-журнал, интернет сайтларида чоп этиладиган материаллар холис, ҳар қандай шубҳа-гумондан холи, беғараз ва қонуний асосларда ёзилган бўлиши кераклигини алоҳида қайд этишди. Чунки журналистлар томонидан илгари сурилган нохолис фикр кенг жамоатчилик ўртасида нотўғри тасаввурнинг шаклланишига олиб келиши, охир-оқибат эса одил судлов сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро, суд ҳокимияти ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам жамиятда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

«Адолат — қонун устуворлигида» танлови ғолибларини аниқлаш учун Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов раҳбарлигидаги комиссия фаол иш олиб борди. Унинг таъкидлашича, бу йилги танловда ўтган йилгига нисбатан номинациялар бўйича ҳам, оммавий ахборот воситаларини кенгроқ жалб этиш бўйича ҳам қатор ижобий ўзгаришлар кузатилган. Келгусида танловнинг нуфузи ва кўламини янада ошириш мақсадида қатор режалар ишлаб чиқилган.

Танлов ғолиблари деб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'ZBEKISTON 24» телерадиоканали Бош муҳаррири Қаҳрамон Жамолов, «Правда Востока» газетаси мухбири Юлиана Мороз, «Kun.uz» мухбири Баҳодир Аҳмедов, Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг судьяси Шаҳзод Бахтиёров, юридик фанлари доктори, профессор Замира Эсонова эътироф этилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# 1000 АҚШ долларига «баҳоланган» гўдак

Ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Уни гўзал ва файзли қилиб ўтказиш ҳам, жаҳолат ботқоғига ботиб, издан чиқариш ҳам ўз қўлимизда. Гўзаллик ва эзгулик тимсоли саналмиш аёл ўз фаҳми фаросати, ибоси, ҳаёси билан ҳурматга, эҳтиромга сазовор. Умрнинг узунлиги, бағри бутунлик, қавму қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги ҳам кўп жиҳатдан аёлнинг оқилалигига боғликдир.

Балки шунинг учун ҳам миллатимизда аёл алоҳида улуғланиб, унинг қўлларига гуллар тутилар. Ҳақиқатан ҳам аёл қўлларига бешик, фарзанд, гул, зеби-зийнат ярашади.

Оғир уруш йилларида момолармиз ўзларини эрдай тутиб, фронт ортида меҳнат қилганлар, йўқ имкониятларни топиб мўл ҳосил етиштирганлар. Ҳаётдан нолимаганлар, бошларини чангалламаганлар. Турмуш ўртоқлари, фарзандларининг, жигарларининг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги совуқ хабарларни матонат билан қабул қилганлар. Урушдан кейинги очарчилик йилларида ҳам болаларини ҳалол ризқ билан парвариш қилиш ниятида кечаю кундуз тиним билмаганлар. Бугун улар билан суҳбатлашсангиз, ҳозирги фаровон турмушни ёшликларида тасаввур ҳам қилишмаганликларини қайта-қайта таъкидлаб, шу кунларга етказганига шукроналик билдирадилар.

Аммо айрим юртдошларимиз бугунги куннинг қадрига етмаяпти, ношукурлик қилиб, гуноҳга ботмоқда, ҳатто жиноятга қўл урмоқда.

Судланувчи Наргиза Қосимова (исм-фамилия ўзгартирилган) асли хоразмлик. У 2017 йил бир йигит билан турмуш қуради. Оилада ўғил фарзанд туғилади. Оилавий муаммолар сабаб, Наргиза Қосимова турмуш ўртоғи билан Тошкент шаҳрига кўчиб келиб, ижарада яшай бошлашди. 2018 йилнинг октябрь ойида Наргиза «Қўйлиқ деҳқон бозори»даги ошхонада Лола исмли аёл билан танишади. Кунларнинг бирида Наргиза ҳалиги аёлга телефон қилиб, ёрдам беришини сўрайди. Улар холи жойда учрашишади.

— Нима гап? — сўрайди Лола.

— Қийналиб қолдим, — оҳиста сўзлайди Наргиза. — Ўғил фарзандим бор. Чел элга кетмоқчиман. Тўғриси, шу боламни сотмоқчиман.

— Қанча сўрайсиз, — деди Лола.

— 2000 АҚШ доллари берсангиз бўлади.

Улар узоқ «савдолашганларидан» кейин гўдакнинг нархи 1000 АҚШ долларига «баҳоланди».

— Наргизахон, — деди Лола атрофга қараб, — болангизни сотганлигингиз ҳақида тилхат ёзиб берасиз. Уйдагиларга кўрсатишим керак. Кейин йиртиб ташлайман.

Табиийки, Наргиза рози бўлади.

2018 йил 22 октябрь куни Наргиза Қосимова фарзанди эвазига 1000 АҚШ долларини олган вақтида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Яшнобод туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Суд судланувчи Наргиза Қосимовага жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди.

Бу ўрнида бир аёлнинг жазога тортилиши эмас, балки нега шундай қабиқ ишга қўл ургани кишини ўйга толдиради. Бунга сабаб моддий қийинчиликми? Йўқ, албатта. Боласини собиқ эри, қариндошларида ҳам қолдирса бўларди. Назаримда, гап моддий масалада эмас, маънавий ожизликда. Маънавий хасталик сабаби янада чуқурроқ ўйлашни талаб этади.

**Аброр САИДОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг раиси.**

# Ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

**«Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти тизимидаги «ЎзКлаасАгро» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари бугун хорижда ҳам эътироф этилмоқда.**

Ҳозир мамлакатимиздаги қай бир деҳқон ёки фермер хўжаликларида бўлманг, кўзингиз албатта «CLAAS» бренди остидаги «Dominator-130» ғалла ўриш комбайнлари ёки бўлмаса, «Arion-630C» русумли тракторларга тушади. Бу — бир-биридан кўркам ва қудратли техникалар айни дамларда халқимизнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай қишлоқ хўжалиги техникалари эса Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ҳамкорлигининг маҳсули – «ЎзКлаасАгро» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётир.

Ўзининг илк фаолиятини 2010 йилда ғалла ўриш комбайнлари ва турли русумдаги тракторлар ишлаб чиқаришдан бошлаган мазкур қўшма корхона маҳсулотлари бугун «MADE IN UZBEKISTAN» тамғаси билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида маълум ва машҳур.

Йиллик ҳисоботларни кўздан кечирамиз: қўшма корхонада ўтган 2018 йилда 240 миллиард 855 миллион сўмликдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, 100 та «Dominator-130» ғалла ўриш комбайни, 224 та «Arion-630C» русумли трактор ва бошқа турдаги техникалар ишлаб чиқарилган ҳамда мамлакатимизнинг деҳқон ва фермер хўжаликларига етказиб берилган.

— Маҳсулотларимиз ўзининг юқори сифатлилиги ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради, — дейди **қўшма корхона раҳбари Ҳасан Эшонқулов.** — Боиси, ушбу техникалар барча зарур сертификатларга эга бўлиб, халқаро стандартларга мос. Эндиги мақсадимиз — имкониятлардан унумли фойдаланиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулотларимизнинг экспорт ҳажмини ошириш, ички ва ташқи бозордаги ўрнимизни янада кенгайтиришдан иборат.

Дарҳақиқат, хорижий сармоядорлар билан алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда. Маҳсулотларимиз жаҳон бозорига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёрлиқ билан кира бошлади. Улар орасида «ЎзКлаасАгро» қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам муносиб ўрин эгаллади.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


ЭЪЛОН

## «Қўйлиқ деҳқон бозори» акциядорлик жамияти директори лавозимига танлов эълон қилинади!

| Лавозим | Маълумотга бўлган талаблар | Квалификация талаблари | Лавозимда ишлаш тартиби |
|---|---|---|---|
| Директор | Олий | – соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси камида 3 ой;<br>– акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини билиши;<br>– сотувчи ва харидорларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш;<br>– иқтисодий ривожланиш режаларини тузиш ва уни амалга оширишни билиши;<br>– соҳага ва тадбиркорликка доир қонунчиликни билиши. | Иш режими: 5/2 соат 8:30 дан 17:30 гача. Ойлик маоши штатлар жадвалига кўра. |

**Изоҳ:** танловда юқори малакали чет эл менежерлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони,
телефон: (71) 295-94-36.

**Эл.почта манзили:** info@kuylyuk-bozori.uz

**Жамият веб сайти:** www.kuylyuk-bozori.uz

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 5.02.2019 йилгача


БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТ КУНДАЛИГИДАН

**Университетга кирганимдан буён ҳаётим янада қизиқарли, унумли ўта бошлади. Ҳар куни бир олам таассуротлар билан уйга қайтаман. Кўзимни очишим билан ўйлайман: бугун мени яна нималар кутаётган экан?**

# Илк сабоқлар

Дарслар давомида «Матбуот уйи»ига бориб, газета, журналлар фаолияти билан танишамиз, муҳаррир, журналистлар билан давра суҳбатлар ўтказамиз. Ўтган йили «Медиа таҳририят структураси» фани ўқитувчиси Перхан Аллабергенова бошчилигида «Маърифат», «Ўзбекистон овози», «Ишонч», «Ёшлар овози» каби газеталар таҳририятлари ва Ўзбекистон ахборот агентлигига борган эдик. Ҳеч эсимдан чиқмаса керак, устозимиз 12:10 да «Матбуот уйи»га етиб келинг, дегандилар. Биз биринчи кундан масъулиятсизлик қилиб, айтилган вақтдан кеч борди-гу, бошқа бу ҳолни такрорламайдиган бўлдик. Чунки ўша куни роса гап эшитиб, қилган ишимиздан уялиб қолдик. Ҳақиқатан ҳам, журналист, аввал амбор, масъулиятли бўлиши, белгиланган жойга вақтидан ҳам олдин бориши керак. Бу бизнинг илк сабоғимиз эди.

Ҳар жума куни университетимизга таниқли журналист, адабиётшунослар меҳмон бўлишади. Улардан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиб, билимимизни бойитиб, мустаҳкамлаб боряпмиз. Хуршид Дўстмуҳаммад келганларида анчадан бери ўйлаб юрган нарсамни сўраб олдим. Мақола ёзмоқчи бўлсам, уни бошлаб олишга роса қийналаман. Тажрибали мутахассисларда бу жараён қандай экан, деб қизиқардим. Устоз саволимга жавобан «яхши ёзаман», деган кўпчиликда шунақа бўлади, дедилар. Шу гапни эшитганимдан кейин мақолани бошлаб олишим янаям қийинлашиб кетди. Муваффақиятга осонликча эришиб бўлмайди. Кўп тер тўкиш керак. Бу — иккинчи сабоқ эди.

Кейинги жумаларда филолог Омонулла Мадаевдан сўзга бўлган масъулиятни, ҳарбий журналист Алижон Сафаровдан касбий жасоратни, профессор, қодирийшунос Баҳодир Каримовдан завқ билан қилинмаган ишнинг унуми бўлмаслигини ўргандик.

Ҳозирча хулосам шундай: журналист ўз фикрини ўтказиши эмас, етказиши керак!

**Мухлиса АЛИМОВА,**
**ЎзЖОКУ талабаси.**

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, таниқли шоир ва журналист **Эътибор ОХУНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

123,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўпланиши режалаштирилган.



# БМТ шафелигида ташкил этилган Траст фондининг биринчи донори – Ўзбекистон

**Тошкентда 24 январь куни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди бошқарув кенгашининг илк йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, БМТ ва унинг тузилмалари, донор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакили Суҳроб Холмуродов ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер олиб борди.

– Бугун Орол фожиаси оқибатлари халқаро ҳамжамиятдан жиддий эътиборни талаб қилмоқда, – деди С.Холмуродов. – Айниқса, сўнгги йилларда кузатилаётган Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият бу борада барча ташаббусларни бирлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

С.Холмуродовнинг қўшимча қилишича, БМТ шафелигида ташкил этилган Траст фондининг биринчи донори сифатида Ўзбекистон турибди. Ундан кейинги ўринда Норвегия. Япония ҳам донорлик қилиш истагини билдирган. Айни вақтда донорлар сафини кенгайтириш ишлари кетмоқда. Хусусан, турли мамлакатлар молиявий ресурсларига 80 дан зиёд мурожаатлар йўлланган.

Йиғилишда Траст фондининг фаолият йўналишлари, дастурий стратегияси ва бошқа тегишли асослари кўриб чиқилди.

Фонд Оролбўйи ҳудудида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва донорлар ҳамжамиятининг маблағларини сафарбар қилишда ягона майдон бўлиб хизмат қилади. Унинг дастурий стратегияси эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида экологик, иқтисодий, озиқ-овқат, ижтимоий ва аҳоли саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Унга 123,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўпланиши режалаштирилган. Мазкур маблағ асосида 2023 йилга қадар бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилади. Таклифлар асосида бу муддат яна узайтирилиши мумкин.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Экология ва Оролбўйи ҳудудларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Жусипбек Казбеков сўзга чиқди.

– Ўтган йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида содир бўлган фавқулодда ҳодисани эсга олайлик, – деди Ж.Казбеков. – Ўшанда ёмғир аралаш туз бўрони ҳар иккала ҳудудга ҳам ёпирилган эди. Бугун мана шундай фалокатларнинг олдини олиш мақсадида Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрхокликка чидамли ўсимликлардан иборат минглаб гектарлик бутазорлар барпо этилмоқда. Бу жараёнда Траст фонди кўмагида янги технологиялар ва инновацияларни ўз ичига олган лойиҳалар амалга оширилса, мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда фонднинг техник ва ишчи гуруҳи аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



**Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидан 200 километр, Нукусдан 400 километр олисда Возрождение оролининг Шағала деб номланувчи ҳудуддан Орол денгизининг қуриган майдонида чучук сув топилди.**

## БИЛАСИЗМИ?




Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга **истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш** учун қуйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилган:

- кредитни бериш муддати – 1 йил имтиёзли давр билан **5 йил муддатга;**
- дастлабки бадал суммаси – сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг **25 фоизи;**
- кредит учун фоиз ставкаси – **Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан** кўп бўлмаган миқдорда.

***

**2023 йилнинг 1 январигача** умумбелгиланган солиқларни тўловчи ташкилотлар тутзорлар билан банд бўлган ер майдонлари қисмида **ер солиғи тўлашдан озод этилган.**



***

Аҳолиси сони **100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда** чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ягона солиқ тўловини **4 фоизлик ставкада** тўлайди.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги «huquqiyaxborot» канали**


ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИГА ТАШРИФИНГИЗНИ ОЛДИНДАН РЕЖАЛАШТИРИШИНГИЗ МУМКИН

*Сиз хизмат олувчилар оқими юқори бўлган соатларнинг тахминий режаси билан танишинг:*




РЕКЛАМА

QQB
QISHLOQQURILISHBANK




«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

(+99878) 150-93-39

Google play App Store

www.qqb.uz

*Хизматлар лицензияланган.*

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА«

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Mahmud TOIR, Shuhrat JALILOV

**Qabulxona** — (71)233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56
**Reklama va e'lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 4641 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:45.
Topshirilgan vaqti — 01:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Nurullo OSTONOV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Bekzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6